

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

ИЖРО ЭТУВЧИ АППАРАТ...

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 2 майдаги 81-сон қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати тўғрисидаги низом тасдиқланди. Мазкур тузилма республика ҳукумати фаолиятини ташкилий ва ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлаш, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларини тайёрлашни амалга оширади. Унинг вазифаларига қуйидагилар қиради: республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тамойилларини комплекс таҳлил қилиш; макроиқтисодий барқарорликни таъминладиган энг муҳим устувор вазифалар бўйича таклифлар ишлаб чиқиш; қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ҳар томонлама иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертиза қилинишини таъминлаш; Инвестиция дастури, иқтисодийнинг базавий тармоқларини модернизация қилиш, техник жиҳатдан янгилаш ва технологик қайта жиҳозлаш ва маҳаллийлаштириш дастурларининг амалга оширилиши устидан мониторинг тизимини яратиш ва бошқалар.

Ушбу Низомнинг тасдиқланиши муносабати билан ҳукуматнинг баъзи қарорларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

... ВА ЭКСПЕРТИЗА БОШҚАРМАСИ ҲАҚИДА

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 2 майдаги 82-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ҳуқуқий экспертиза ва халқаро шартномалар бошқармаси тўғрисидаги низом тасдиқланди. Бошқарма Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланиб, унинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- халқаро шартномалар лойиҳалари ва халқаро шартномаларни имзолаш, уларга қўшилиш, уларни ратификация қилиш ва тасдиқлашнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги таклифларни эксперт жиҳатдан пухта ишлаб чиқирилишини ташкил этиш;
- стратегик муҳим инвестиция ва ташқи савдо шартномалари (контрактлар)ни тайёрлашда республиканинг иқтисодий манфатларига риоя қилинишини ва ташқи иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш;
- қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳар томонлама ҳуқуқий экспертизадан ўтказилишини ташкил этиш ва бошқалар.

ДАВЛАТ ЎЗИДА «ОЛТИН АКЦИЯ»НИ ҚОЛДИРАДИ

2008 йил 2 майда Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент трактор заводи» очик акциядорлик жамиятининг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш ва фаолиятини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 83-сон қарори қабул қилинди.

Президентнинг 2007 йил 20 июлдаги ПҚ-672-сон қарорига мувофиқ «ТТЗ» ОАЖ устав фондининг 82,75 фоизи миқдоридagi акциялари давлат пакетининг хорижий инвесторга аниқ инвестиция мажбуриятлари остида, акциядорлик жамиятини бошқаришда давлатнинг махсус ҳуқуқини – «олтин акция»ни қўллаган ҳолда сотилади. «ТТЗ» ОАЖни ривожлантиришнинг асосий вазифалари ва

йўналишлари этиб: лойиҳалаштиришнинг замонавий компьютер технологияларини қўллаган ҳолда қишлоқ ҳўжалиги машинасозлиги соҳасида конструкторлик ишлари қўламини кенгайтириш, инновация фаолиятини амалга ошириш; мамлакатимиздаги ва хорижий харидорларга маҳсулотлар сотиш тизимини такомиллаштириш; қишлоқ ҳўжалиги техникасини сотиш ва уларга сервис хизмати кўрсатиш бўйича корхонанинг техника марказларини ривожлантириш ва бошқалар белгиланди. Ҳужжат билан заводнинг янгиланган ташкилий тузилмаси тасдиқланди.

ЎЗБЕКИСТОНДАН ЧИҚАРИБ ЮБОРИЛАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 6 майдаги 86-сон қарори билан Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлишлари қоидаларига ўзгартириш киритилди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади). Унга кўра хорижий фуқароларни республикадан чиқариб юбориш учун асослар аниқлаштирилган (бундан аввал фақатгина умумий меъёр белгиланган эди: қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда). Бугунги кунда ушбу чора қуйидаги ҳолларда амалга оширилиши мумкин:

республикада бўлиш қоидаларини бузган тақдирда, яъни Ўзбекистонда яшаш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларсиз ёки ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар бўйича яшаганда, вақтинча ёки доимий рўйхатдан ўтишнинг, ҳаракат қилиш ёки яшаш жойини танлашнинг белгиланган тартибига риоя қилмаганда, бўлиш муддати тугагандан кейин чиқиб кетишдан бош тортганда, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит бўйича ўтиш қоидаларига риоя қилмаганда. Хорижий фуқаролар Ўзбекистонда содир этилган жиноят учун суд томонидан тайинланган жазони ижро этгандан ёки ўтагандан ёхуд қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилингандан кейин ҳам, кейинчалик келиш ҳуқуқини чеклаган ҳолда чиқариб юборилишлари мумкин.

ЎЗГАРТИШЛАРНИ ҚОНУН ТАҚОЗО ЭТДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 майдаги 89-сон қарори («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади) билан:

- Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 14 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 209-сон қарорига;
- Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг Апелляция кенгаши тўғрисидаги низомни ҳамда Патент вакиллари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 298-сон қарорига 1-иловага;
- Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 20 апрелдаги «Патент божлари тўғрисидаги низомни ва Патент божлари ставкаларини тасдиқлаш ҳақида» 65-сон қарорига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар 2007 йил 19 сентябрдаги «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ-111-сон Қонунга

мувофиқлаштирилмоқда.

ҲАР БИР МИНТАҚАГА – УНИТАР МИРОБ

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 майдаги «Мелиорация ва бошқа сув ҳўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган давлат унитар корхоналарини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида» 92-сон қарори билан минтақаларда мелиорация ва бошқа сув ҳўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган давлат унитар корхоналарини ташкил қилиш режалаштирилган. Улар учун қуйидаги асосий мезонлар белгиланди:

- устав фондининг энг кам миқдори – 450 млн сўм;
- молиявий барқарорлик ва камида 200 млн сўм миқдоридa бўш айланма маблағларнинг мавжуд бўлиши;
- бажариладиган ишлар таннархини замонавий ишлаб чиқариш технологияларини жорий этиш ҳисобига камайтириш;
- мелиорация ва бошқа сув ҳўжалиги тадбирларини сифатли ва ўз вақтида бажариш ва бошқалар.

Қуйидагилар тасдиқланди: унитар корхонанинг намунавий тузилмаси; 2008 йилда «Ўзмелиомашлизинг» давлат лизинг компанияси томонидан харид қилинадиган ва лизинг асосида давлат унитар корхоналарига бериладиган мелиоратив техника, машина-механизмлар рўйхати; 2008 йилда Хитой Халқ Республикасининг кредит маблағлари ҳисобига сотиб олинadиган ва Президентнинг 2008 йил 14 февралдаги «Марказий Фарғонанинг ҳайдаладиган ерлари мелиоратив тармоқларини яхшилаш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-794-сон қарорига, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 28 мартдаги 155-ф-сон фармоишига биноан давлат унитар корхоналарига берилadиган мелиоратив техника рўйхати.

ТИФ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН

2008 йил 7 майда Вазирлар Маҳкамасининг 90-сон қарори қабул қилиниб, у билан ҳукуматнинг бир қатор қарорлари Президентнинг 2008 йил 27 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-823-сон қарорига ва янгиланган ТИФ ТНга (2007 йил версияси) мувофиқлаштирилмоқда. Хусусан, қуйидаги ҳужжатлар янги таҳрирда қабул қилинди:

- Эркин алмаштириладиган валютада экспорт қилинадиган харидоргир товарлар рўйхати;
- Бартер асосида экспорт қилиш тақиқланган юқори ликвидли товарлар рўйхати;
- Контрактлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида рўйхатдан ўтказилгандан кейин экспорт қилинадиган товарлар рўйхати;
- Импорт қилинадиган, давлат тилида маркировка қилиниши шарт бўлган истеъмол товарлари рўйхати ва бошқалар.

Ҳукуматнинг баъзи қарорлари ўз қучини йўқотган деб топилди.

Давлат божхона қўмитасининг қарори (АВ томонидан 2008 йил 5 майда 1803-

сон билан
рўйхатдан
ўтказилган)

билан Олиб чиқилadиган товарларнинг божхона қиймати декларациясини тўлдириш бўйича йўриқнома тасдиқланди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади). У Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 9 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқилadиган товарларнинг божхона қийматини белгилаш ва декларациялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 198-сон қарорига мувофиқ олиб чиқилadиган товарларнинг божхона қиймати декларациясини (БҚД) тўлдириш тартибини белгилайди. БҚД олиб чиқилadиган товарларнинг божхона қийматини белгилаш, божхона тўловларини ҳисоблаш, декларант томонидан кўрсатилган божхона қийматини назорат қилиш ва божхона статистикаси мақсадларида қўлланилади.

БҚД тегишли божхона юк декларациясининг (БЮД) иловаси бўлиб, усиз ҳақиқий ҳисобланмайди. У олиб чиқилadиган барча товарлар учун тўлдирилади, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

- олиб чиқилadиган товарлар тўпламининг божхона қиймати 1 000 АҚШ доллариға тенг қийматдан ошмаса (тижорат мақсадида олиб чиқилadиган товарлар бундан мустасно);
- жисмоний шахслар томонидан, уларнинг яшаш жойи ўзгарган тақдирда, шахсий (ҳўжалик) мол-мулклари ҳисобланган товарлар олиб чиқилганда;
- узок муддатли хизмат сафарига кетаётган Ўзбекистон фуқароларининг шахсий мулклари, шунингдек, республика ҳудудидан чиқиб кетаётган бошқа давлатлар фуқароларининг республикага олиб кирган шахсий мулклари олиб чиқилганда;
- тижорат фаолияти учун мўлжалланмаган намуналар, реклама материаллари, гуманитар ёрдам шаклидаги товарлар ва бошқа товарлар олиб чиқилганда.

2008 йил 15 майдан кучга кирди.

Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг қарори («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади) билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божини қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмлар рўйхати тасдиқланди (АВ томонидан 2008 йил 3 майда 1802-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

2008 йил 13 майдан кучга кирди.

МОНОПОЛИЯЧИЛАР РЎЙХАТИ ЎЗГАРДИ

Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг қарори (АВ томонидан 2008 йил 3 майда 1802-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Табиий монополия субъектлари томонидан асосий

2-бетда

УШБУ
СОНДА

1-2-бетлар

Янги ҳужжатларни
тақдим этамиз

3-бет

Маслаҳатларни «Norma
Ekspert» экспертлари беради

4-5-бетлар

Корхона
сотиб олинганда

7-10-бетлар

Қонунчиликдаги
янги ҳужжатлар

\$1 = 1306,04 сўм

€1 = 2017,83

£1 = 2569,24 сўм

¥10 = 124,66 сўм


INTER-PRESS
АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

Bella Terra • Baby Terra • Jannat Makon • 7 днел • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPS! • Автомир
Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света • Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги
• Караван Историй • Класик • Коммерсантъ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно

ОБУНА-2008
ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОВЛАР

119-0000
155-0955
Тошкент ш., Навоий кўч., 13

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

воситаларни сотиб олиш ёки бериш бўйича битимларни амалга ошириш устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгаришлар киритилди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади). Улар билан табиий монополиялар субъектлари ўз фаолиятини амалга оширадиган соҳалар рўйхати ўзгаририлди. Чунончи, ундан нефть, газ конденсати, табиий газ ва кўмир ишлаб чиқариш соҳалари чиқариб ташланди. Уларнинг баъзиларининг номи ўзгаририлди: аэронавигация, бандаргоҳлар ва аэропортлар хизматлари соҳаси ва темир йўл инфратузилмасидан фойдаланиш соҳаси. Шунингдек табиий монополиянинг янги тури ҳам пайдо бўлди – транспорт терминаллари хизматлари соҳаси.

2008 йил 13 майдан кучга кирди.

ЛОМБАРД КРЕДИТИ УЧУН – МАРКАЗИЙ БАНККА

Марказий банк бошқарувининг қарор

ри билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан банкларга ломбард кредити бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгаришлар киритилди (АВ томонидан 2008 йил 3 майда 501-3-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Чунончи, энди ломбард кредитини олиш учун банк аризани Пул-кредит сиёсати департаментига эмас, балки бевосита Марказий банкка тақдим этади. Унинг ҳужжатларини кўриб чиқишда кредит қайтарилишини таъминлаш учун тақдим этилаётган қимматли қоғозларнинг бозор нархи ҳақидаги биржа ахбороти асосида сўралаётган ломбард кредити суммасининг етарлича таъминланганлиги ҳам текширилади. Гаровга қўйилган банк қимматли қоғозларининг бозор нархи (МБ белгиланган коэффициентга тузатилган) сўралаётган ломбард кредити суммасидан ортиқ ёки унга тенг бўлиши керак. Унга ишлатилиши тахмин қилинаётган даврда ҳисобланган

фоизлар ҳам киради. Етарлича таъминланмаганлик ломбард кредитини банк сўраганидан камроқ микдорда бериш учун асос ҳисобланади.

2008 йил 13 майдан кучга кирди.

«ҚОРА ОЛТИН» ВА «ЗАНГОРИ ЁҚИЛҒИ» УЧУН ҚОИДАЛАР

Давлат божхона кўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг қарори билан Қандим кон гуруҳи участкаси, Хаузақ ва Шоди участкалари, шунингдек, Қўнғирот участкасига оид маҳсулотни тақсимлаш ҳақидаги 2004 йил 16 июндаги Битимни бажариш доирасида қазиб олинган нефть ва газ хом ашёсини олиб чиқишнинг божхона расмийлаштируви қоидалари тасдиқланди (АВ томонидан 2008 йил 5 майда 1805-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Республика ҳудудидан ташқарисига табиий газни олиб чиқиш экспорт божхона тартибида ваколатли орган ва инвесторнинг номидан ва топшириғи бўйича «ЛУКОЙЛ Оверсиз Сапплай энд Трейдинг Лтд» маркетинг компанияси томонидан амалга оширилади. Инвестор ва ваколатли органга тегишли бўлган табиий газни олиб чиқиш эса маркетинг компанияси томонидан, Маҳсулотни тақсимлаш битими қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

2008 йил 15 майдан кучга кирди.

СЎНГИ ҚЎНҒИРОҚ ОЛДИДАН МОНИТОРИНГ

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг қўшма қарори билан Умумий ўрта таълим мактаблари 11-синфлари, академик лицейлар ва касб-хунар

коллежлари битирувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича таълим тайёргарлиги даражаси ва сифати мониторингини ўтказиш бўйича йўриқнома тасдиқланди (АВ томонидан 2008 йил 5 майда 1804-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Мониторинг таълим муассасаларида ҳар ўқув йилининг тугаши арафасида 15 апрелдан 25 майгача бўлган муддатда тест синовлари, ёзма иш ва бошқа шаклларда ўтказилади. Уни ўтказиш муддати тўғрисида таълимнинг тегишли ҳудудий органлари олдиндан огоҳлантирилади. Мониторинг ўтказишнинг асосий мақсади умумий ўрта, шунингдек, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида кадрлар тайёрлаш сифатини мунтазам қазатиб бориш орқали битирувчиларнинг умумтаълим фанлари бўйича таълим тайёргарлиги даражаси ва сифатига оид ҳолис маълумотлар тўплаш, уларни таҳлил қилиш ҳамда улар асосида ҳулосалар тайёрлаб, кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш ва таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича қарорлар қабул қилишлари учун таълимнинг бошқарув органларини ахборот билан таъминлашдан иборат.

2008 йил 15 майдан кучга кирди.

БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ ОРТИБ ҚОЛСА...

Молия вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қарори (АВ томонидан 2008 йил 5 майда 679-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Пуллик тиббий хизмат кўрсатишга босқичма-босқич ўтаётган даволаш-профилактика муассасаларини молиялаш тартибига ўзгариш киритилди. У билан ортиб қолаётган бюджет маблағларини ишлатишни тартибга солиш V бўлим чиқариб ташланди.

2008 йил 15 майдан кучга кирди.

Меърий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2008 йил 4 майдан 10 майгача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 19-сонидан тасдиқланди.

Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин қириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.

ИҚТИСОДЧИЛАР, ЮРИСТЛАР, ЖУРНАЛИСТЛАР ДИҚҚАТИГА!

“NORMA” нашриёти

иқтисодий-ҳуқуқий мавзуларда ишланган кўлёмалар, китоб макетларини 2008 йилнинг II-ярмида китоб чиқариш режасига киритиш учун кўриб чиқишга тайёр.



Буюртманомаларни 244-44-45 факси орқали юборинг (буюртманома шаклини www.norma.uz сайтида кўринг)

Маълумотлар қуйидаги телефонлар орқали: 244-89-17, 244-81-30.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 13 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи:*)

1 Австралия доллари	1232,25	1 Малайзия ринггити	412,48
1 Англия фунт стерлинги	2569,24	1 Польша злотийси	588,01
1 Дания кронаси	270,53	1 СДР	2115,25
1 БАА дирҳами	355,64	1 Туркия лираси	1037,45
1 АҚШ доллари	1306,04	1 Швейцария франки	1239,48
1 Миср фунти	244,35	1 ЕВРО	2017,83
1 Исландия кронаси	17,04	10 Жанубий Корея вон	12,77
1 Канада доллари	1292,60	1 Япония иенаси	124,66
1 Хитой юани	186,83	1 Россия рубли	54,96
		1 Украина гривнаси	258,62

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	14.05.2008	1	0,8276	1	1,2791	1	0,0348
Арманистон	14.05.2008	1	307,50	1	474,17	1	12,87
Беларусь	15.05.2008	1	2137,00	1	3295,79	1	89,59
Грузия	14.05.2008	1	1,452	1	2,2538	1	0,0612
Қозғистон	15.05.2008	1	120,57	1	186,02	1	5,05
Қирғизистон	10.05.2008	1	36,4395	1	55,8945	1	1,5257
Латвия	15.05.2008	1	0,455	1	0,702804	1	0,0191
Литва	15.05.2008	1	2,2333	1	3,4528	10	9,3644
Молдава	14.05.2008	1	10,3487	1	16,0048	1	0,4346
Тожикистон	14.05.2008	1	3,433	1	5,2971	10	1,4473
Ўзбекистон	13.05.2008	1	1306,04	1	2017,83	1	54,96
Украина	14.05.2008	100	505,00	100	781,3865	10	2,129
Эстония	14.05.2008	1	10,1433	1	15,6466	1	0,424578

Манба: www.prime-tass.ru

АҚШ ДОЛЛАРИ ВА ЕВРОНИНГ ВАКОЛАТЛИ БАНКЛАР ТОМОНИДАН АЙИРБОШЛАШ ШОҲОБЧАЛАРИДА

2008 йил 13 май ҳолатига ўзбек сўмига нисбатан жорий этилган курси

Банк номи	АҚШ доллари		Евро	
	харид	сотиш	харид	сотиш
ЎЗР ТИФ МБ	1318,00	1320,00	2017,00	2032,00
“Асака” банки	1318,00	1320,00	2018,00	2022,00
“Ўзсаноатқурилишбанк”	1319,00	1321,00	2018,00	2032,00
“Пахта Банк”	1319,00	1321,00	2020,00	2025,00
“Халк банк”и	1318,00	1320,00	2018,00	2030,00
“Ипотекабанк”	1319,00	1321,00	2018,00	2025,00
“Микрокредитбанк”	1319,00	1321,00	2018,00	2030,00
АБН АМРО банк МБ Ўзбекистон А.Ж.	1318,00	1321,00	2047,00	2053,00
“UzKDBбанк”	1318,00	1321,00	2018,00	2033,00
“Фаллабанк”	1319,00	1321,00	2018,00	2027,00
“Трастбанк”	1319,00	1321,00	2018,00	2028,00
“Алп Жамол банк”	1318,00	1320,00	2027,00	2032,00
“Алоқабанк”	1319,00	1321,00	2019,00	2034,00
“Ў-Т банк”	1318,00	1321,00	2020,00	2040,00
“Туронбанк”	1318,00	1320,00	2018,00	2033,00
Ўзбекистон-Германия “Савдогар” АТБ	1318,00	1320,00	2020,00	2035,00
“Ипак йўли” банки	1319,00	1321,00	2020,00	2030,00
“Туркистон” банк	1319,00	1321,00	2016,00	2021,00
“Даврбанк”	1318,00	1320,00	2018,00	2038,00
“Кредит-Стандарт” банки	1319,00	1321,00	2018,00	2048,00
“Капитал банк”	1319,00	1321,00	2018,80	2048,00
“Содерат банк”	1318,00	1320,00	2017,00	2032,00
“Хамкорбанк”	1318,00	1320,00	2020,00	2050,00
“Универсалбанк”	1319,00	1321,00	2037,00	2040,00
“Парвинабанк”	1318,00	1320,00	2020,00	2022,00
“Равнақбанк”	1318,00	1320,00	2017,00	2032,00

“Банк ахборотномаси” 21-22 (628-629)-сон, 2008 йил 14 май.

УШБУ СОНДА:

✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим эта-
миз

– Валюталар курси

1-2-бетлар

✓ БИЗНИНГ МАСЛАҲАТЛАР

– Воситачи билишни хоҳлайди

– «Доллар» деб ёзамиз, сўмда
ҳисоблашамиз

– Икки фаолият тури учун икки
хил ставка

3-бет

✓ ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ

– Тўн кимники – кийганники,
объект — сотиб олганники

– ҚҚСни қоплашни сўрайман...

4-5-бетлар

РЕКЛАМА

6-бет

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИ- ГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Ўзбекистон Республикаси- нинг Қонуни:

– «Транспорт воситалари эга-
ларининг фуқаролик жавобгарли-
гини мажбурий суғурта қилиш

тўғрисида» 7-10-бетлар

✓ ОБУНА

– Оммавий оферта

– Тенглаштирилганлар доираси

– «Бир кунлик» фирмалар бо-
расида

11-12-бетлар

✓ ПАНОРАМА 13-16-бетлар

ИККИ ФАОЛИЯТ ТУРИ УЧУН ИККИ ХИЛ СТАВКА



Корхонамиз ёқилғи қуйиш шохобчасини очмоқда ҳамда аҳолига автосервис хизматларини кўрсатиш фаолиятини амалга оширишни режалаштирмоқда.

Ушбу фаолият турлари учун ягона солиқ тўловининг қайси ставкаси назарда тутилган? Бунда автосервисга рухсатнома олиш керакми?

– 2008 йил учун чакана савдо корхоналари (ёқилғи қуйиш шохобчаси) учун ягона солиқ тўлови ставкалари Президентнинг 2007 йил


12 декабрдаги ПҚ-744-сон қарорининг* 9-1-илловаси билан белгиланган.

Бунда ёқилғи қуйиш шохобчалари

N	Солиқ тўловчилар	Солиқ солинадиган базага нисбатан солиқ ставкаси, %
2	Чакана савдо корхоналари (4-бандда кўрсатилганларидан ташқари):	
	аҳолиси сони 100 минг ва ундан кўп кишидан иборат бўлган шаҳарларда	4
	бошқа аҳоли пунктларида	2
	бориш қийин бўлган ва тоғлиқ туманларда жойлашган	1

* Президентнинг «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий мақориктисидий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» қарори.

«ДОЛЛАР» ДЕБ ЁЗАМИЗ, СЎМДА ҲИСОБЛАШАМИЗ



Ўзбекистон резиденти республиканинг бошқа резидентига бажарилган ишлар учун АҚШ долларларида ҳисобварақ-фактура-далолатномани ёзишга ҳақлими? Хусусан, юкни сақлаганлик учун бизга шундай ҳужжат ёзиб беришди. Биз уни қабул қила оламизми? Бу нарса қандай меъёрий ҳужжатларда келтирилган?

Э.Ким,


савдо компаниясининг бош бухгалтери.

– Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишда корхоналар товарларни (ишларни, хизматларни) лаётган шахсга қўйилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботи шакллари (МВ ва ДСҚнинг 2008 йил 21 январда 1760-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарорига 3-илова) 1-илловасида белгиланган шакл бўйича ҳисобварақ-фактура тақдим этишлари шарт.

Ишларни (хизматларни) бажарувчи баъзи корхоналар ҳисобварақ-фактурани ҳамда бажарилган ишлар далолатномасини бирлаштириб, уни ҳисобварақ-фактура-далолатнома деб атайдилар. Ишларни (хизматларни) расмийлаштиришнинг мазкур усули ишлар ҳақиқатда бажарилганлигини (хизматлар кўрсатилганлигини) тасдиқловчи ҳужжатда ҳисобварақ-фактурада бўлиши талаб қилинадиган маълумотлар бўлганда ҳамда у ҳисобварақ-фактурага қўйиладиган талабларга жавоб берган ҳолдагина қўлланилиши мумкин.

Хўжалик юритувчи субъектлар соатётган маҳсулотига (ишларга, хизматларга) баҳони шартли бирликларда белгилашлари мумкин, жумладан Ўзбекистон резиденти ҳам ўзига ўхшаган резидентга худди шундай қилиши мумкин (масалан, оператор-компаниялар алоқа хизматлари учун нархни АҚШ долларларида белгилайдилар). Фуқаролик қонунчилиги шартномани бажарганлик учун тарафларнинг келишуви билан белгиланган баҳода ҳақ тўлашига йўл қўяди (Фуқаролик кодексининг 356-«Баҳо» моддаси). Баҳони чет эл валютасида ёки шартли бирликларда (сизнинг ҳолатингизда АҚШ долларларида) белгилаш эса битим баҳосини белгилаш ҳисобланади.

Бироқ бунда шуни назарда тутиш лозимки, Ўзбекистон ҳудудида ҳисоб-китоблар фақатгина миллий валютада – сўмда амалга оширилиши мумкин. Яъни тарафлар товарлар, хизматларнинг баҳосини шартли бирликларда



ёки чет эл валютасида белгилаш ҳақида келишиб олишлари мумкин, ҳақ эса сўмда амалга оширилиши керак. Солиқ кодексининг 222-моддасига мувофиқ, тузилган шартномаларнинг шартларига биноан товарларига, ишлари ва хизматларига нархлар (тарифлар) чет эл валютасида белгиланадиган юридик шахслар ҳисобварақ-фактураларни чет эл валютасида ёзиб, айни бир вақтда уни ҳисобварақ-фактура ёзиб берилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича қайта ҳисоблаган ҳолда миллий валютада ифодаляйдилар.

Сотилаётган маҳсулотига нархларни шартли бирликларда (у одатда АҚШ долларига тенглаштирилади) белгилайдиган, ҳақни эса сўмда оладиган корхоналар олинган бўнаклари ёки дебиторлик қарзини қайта баҳолашлари керак (22-сон БҲМС «Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби»нинг 12-банди, молия вазирининг АВ томонидан 2004 йил 21 майда 1364-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган).

Сизга берилган ҳисобварақ-фактура юқоридаги барча талабларга жавоб берган тақдирда, сиз ушбу ҳужжатни қабул қилишингиз керак. Бироқ бунда чет эл валютасида ифодаланган берилган бўнаклар ёки дебиторлик қарзини улар сўндирилгунига (ҳисобдан чиқарилгунига) қадар қайта баҳолашингиз лозим.

учун ягона солиқ тўлови бўйича солиқ солинадиган база Солиқ кодексининг 356-моддасига мувофиқ қуйидаги суммага қамайтирилади:

– жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ суммасига;
– бензин, дизель ёқилғиси ва газнинг автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаларининг белгиланган энг юқори устамадан ошадиган чакана нархи билан олиш нархи ўртасидаги маҳаллий бюджетга ўтказилиши лозим бўлган фарқ суммасига. Аҳолига автосервис хизматлари-

Тушунтиришлар электрон маълумотнома тизими материаллари асосида тайёрланди

NORMA

Ахборот-ҳуқуқий тизими

Сотиб олиш масалалари бўйича қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг:

Тошкент ш.: (99871) 137-07-78, 137-45-29
Гулистон ш.: (3672) 27-58-97
Самарқанд ш.: (3662) 23-23-73
Наманган ш.: (3692) 32-84-26
Фарғона ш.: (3732) 26-78-80
Андижон ш.: (3742) 50-25-96
Қарши ш.: (99875) 227-18-11


АМАЛИЙ СОЛИҚ СОЛИШ

ни кўрсатиш лицензияланмайдиган фаолият тури ҳисобланади. Шу сабабли уни амалга ошириш учун рухсатнома талаб этилмайди, ягона солиқ тўлови эса 8%лик ставка бўйича тўланади (Президентнинг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон қарорига* 9-илова).

Турли солиқ солиш объектилари ва (ёки) ягона солиқ тўлови став-

калари белгиланган бир неча фаолият турлари билан шуғулланадиган ягона солиқ тўловини тўловчилар шу фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишлари ҳамда солиқ тўловчиларнинг тегишли тоифалари учун (сизнинг ҳолатингизда – чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича) белгиланган ставкалар бўйича ягона солиқ тўловини тўлашлари керак.

ВОСИТАЧИ БИЛИШНИ ХОҲЛАЙДИ



Воситачилик хизматларига доир воситачилик шартномалари бўйича тадбиркорлик фаолияти бухгалтерлик ҳисобининг баъзи масалаларини тушунтириб берсангиз.

Корхонанинг асосий фаолият тури реклама ва вакиллик хизматлари ҳисобланади. Шартнома бўйича кўрсатилган хизмат учун ҳисоб-китоб рақамига олинган суммадан у 8%лик ставка бўйича ягона солиқ тўлови (ЯСТ) тўлайди.

Бундан ташқари, корхона воситачилик хизматларига доир воситачилик шартномалари бўйича хизматлар кўрсатади: ҳақ учун ўз номидан, бироқ мижоз (комитент) ҳисобидан Ўзбекистонда унинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун қуйидаги битимлар тузади:

– комитентдан ёки унинг номидан келиб тушган импорт юklarини қабул қилиш, божхонада тозалаш, сақлаш билан боғлиқ битимлар;
– комитентнинг тайинлаши бўйича юklar етказиб берилиши ва жойлаштирилишини ташкил этиш билан боғлиқ битимлар;
– комитент товарини реклама қилувчи реклама материални Ўзбекистон Республикаси ОАВда жойлаштириш билан боғлиқ битимлар;
– комитент маҳсулотини реклама қиладиган реклама материални тайёрлашга комитент буюртмасини жойлаштириш бўйича битимлар.

Воситачилик шартномалари Фуқаролик кодексининг 842-моддасига кўра коммиссионернинг ҳисоб-китобларда иштирок этишини назарда тутати, яъни ўз ичига воситачилик топшириғини бажаришга доир харажатларни, айнан: божхона тўловларини, божхона омбори хизматлари ва декларантлар хизматлари, юklarни етказиб бериш бўйича транспорт хизматлари, ОАВда реклама макони ва вақтига ҳақ тўлашни, шунингдек реклама материалларини яратиш қийматини тўлашни олади. Воситачилик шартномасида бевосита ушбу хизматларни бажарувчи контрагентлар «учинчи шахслар» деб номланади.

Воситачилик шартномалари бўйича корхона воситачилик ҳақи суммасининг 33%и ставкаси бўйича ЯСТ тўлайди. 2-сон БҲМС «Асосий хўжалик фаолиятдан тушган даромадлар»нинг (АВ томонидан 1998 йил 26 августда 483-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 7-бандига кўра учинчи шахслардан ундириладиган суммалар сифатида қопланадиган харажатлар даромад ҳисобланмайди.

1. Комитентдан воситачининг ҳисоб-китоб рақамига қопланадиган харажатлар сифатида келиб тушадиган суммалар бўйича комитентнинг воситачи билан ҳисоб-китоблари, шунингдек қопланадиган харажатларни комитентга ўтказиш қандай проводкалар билан акс эттирилади?

2. Воситачининг учинчи шахслар билан ҳисоб-китобларини қандай проводкалар билан акс эттириш керак?

3. 2008 йилда воситачилик топшириғини бажариш бўйича харажатларни қоплаш ягона солиқ тўловига тортлади?

4. Дори воситаларининг улгуржи савдоси ва улгуржи реализацияси билан шуғулланишга лицензиялар номоддий активларга тааллуқлими?

Л.Расулова.

– 1-2. Воситачи билан комитент ўртасидаги ҳисоб-китоб операциялари воситачилик шартномаси билан белгиланган тартибда амалга оширилади. Бунда воситачи воситачилик шартномаси бўйича амалга оширилаётган операцияларга доир ҳисоб-китобларда иштирок этишга, шунингдек ўзига тегишли бўлган суммаларни комитент ҳисобидан ўзига тушган ҳамма суммалардан ушлаб қолишга ҳақли (Фуқаролик кодексининг 839-моддаси).

Бухгалтерия ҳисобида комитентдан қопланадиган харажатлар сифатида комитентдан келиб тушадиган суммалар бўйича комитент билан воситачи ўртасидаги ҳисоб-китоб операциялари, шунингдек учинчи шахслар (контрагентлар) билан воситачининг ҳисоб-китоблари қуйидаги проводкалар билан акс эттирилади:

Учинчи шахслар билан ҳисоб-китоблар бўйича операцияларнинг ва воситачи томонидан харажатларни қоплаш ҳисобида суммалар олиншининг воситачи томонидан акс эттирилиши		
	Дебет	Кредит
Қопланадиган воситачилик хизматларини кўрсатиш харажатлари акс эттирилади (транспорт хизматлари, божхона тўловлари ва ҳоказо)	4890-«Бошқа дебиторлар қарзлари»	6990-«Бошқа мажбуриятлар»
Кўрсатилган хизматлари учун чет ташкилотларга (контрагентларга) пул маблағлари ўтказилган	6990-«Бошқа мажбуриятлар»	5110-«Ҳисоб-китоб рақами»
Комитентнинг қарзини сўндириш акс эттирилади (қопланадиган харажатлар суммасига)	5110-«Ҳисоб-китоб рақами»	4890-«Бошқа дебиторлар қарзи»

3. Воситачилик шартномаси бўйича фаолиятни амалга ошираётганда ягона солиқ тўловига тортиш объекти

* Мол-мулк деганда эғалик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш предметлари бўла оладиган моддий объектлар, шу жумладан пул маблағлари ва қимматли қоғозлар ҳамда номоддий объектлар тушунилади (Фуқаролик кодексининг 81-моддаси ва Солиқ кодексининг 22-моддаси).

бўлиб олинган воситачилик ҳақи суммаси ҳисобланади. Бунда воситачига воситачилик, топшириқ шартномалари ёки воситачилик хизматлари кўрсатишга оид бошқа шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муносабати билан, шунингдек, воситачи томонидан комитент учун амалга оширилган харажатларни қоплаш ҳисобига тушган мол-мулк* (бундан пул мукофоти мустасно) ягона солиқ тўлови солиш объекти сифатида қаралмайди (Солиқ кодекси 355-моддасининг 11-банди).

4. 7-сон БҲМС «Номоддий активлар» (молия вазирининг АВ томонидан 2005 йил 27 июнда 1485-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган) 10-бандининг «и» кичик бандига кўра ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишга оид ҳуқуқлар, яъни, аслини олганда, айрим фаолият турлари билан шуғулланиш учун ваколатли органлар томонидан бериладиган лицензиялар (рухсатномалар) номоддий активлар таркибига киритилади. Бинобарин, шу жумладан дори воситалари билан улгуржи савдога лицензияларни номоддий активлар таркибига ҳисобга олиш керак бўлади.

Лицензия олиш харажатларини 0830-«Номоддий активларни харид қилиш» ҳисобварағида капиталлаштириш керак. Фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш ҳуқуқига лицензияларни номоддий активлар таркибига қайд этганда 0830-ҳисобварақ 0410 «Патентлар, лицензиялар ва ноу-хау» ҳисобварағига ёпилади.

Лицензия олиш бўйича корхона харажатлари акс эттирилади		
	Дебет	Кредит
Лицензия берган ташкилотнинг харажатлари тўланган	6990-«Бошқа мажбуриятлар»	5110-«Ҳисоб-китоб рақами»
Лицензия харид қилиш бўйича ҳақиқий харажатлар суммаси акс эттирилган	0830-«Номоддий активларни харид қилиш»	6990-«Бошқа мажбуриятлар»
	0410-«Патентлар, лицензиялар ва ноу-хау»	0830-«Номоддий активларни харид қилиш»

Тушунтиришлар электрон маълумотнома тизими материаллари асосида тайёрланди

NORMA

Ахборот-ҳуқуқий тизими

Сотиб олиш масалалари бўйича қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг:

Тошкент ш.: (99871) 137-07-78, 137-45-29
Гулистон ш.: (3672) 27-58-97
Самарқанд ш.: (3662) 23-23-73
Наманган ш.: (3692) 32-84-26
Фарғона ш.: (3732) 26-78-80

АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ

Жавоблар «Norma Expert» гуруҳи экспертлари томонидан тайёрланган.



Фермер хўжалигимиз бошқа тумандаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхонасини сотиб олди. Биз уни шуёба хўжалик жамияти сифатида рўйхатдан ўтказишимиз мумкинми? Рўйхатдан ўтказиш ва расмийлаштириш учун қандай ҳужжатлар талаб этилади?

Фермер хўжалиги раҳбари.

Саволингизга бериладиган жавоб сиз корхонани мулкий мажмуа сифатида сотиб олганлигингиз ёки корхона тегишли бўлган юридик шахсдаги муассислик улуши ҳақини тўлаб олганлигингизга боғлиқ. Биринчи ҳолатда фермер хўжалиги юридик шахс сифатида сотиб олинган корхона негизинда Фуқаролик кодекси 58-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ шуёба хўжалик жамияти таъсис этишга ҳақли. Субъект масъулияти чекланган жамият, акциядорлик жамияти тарзида ёки бошқа шаклда рўйхатдан ўтказилиши мумкин.


Иккинчи ҳолатда мустақил субъектни рўйхатдан ўтказишга ҳолат йўқ; улуш ҳақини тўлаб олганда корхона тегишли бўлган юридик шахс муассиси ўзгаради, холос, бинобарин таъсис ҳужжатларини қайта рўйхатдан ўтказишнинг ўзи kiffoя. Ҳар иккала таомилга ҳам қўйида кенгрок тўхталиб ўтамыз.

МУЛКИЙ МАЖМУА СОТИБ ОЛИНСА

Корхона олди-сотдиси билан боғлиқ қоидалар Фуқаролик кодекси 29-бобининг саккизинчи параграфида муҳасам топган (489-496-моддалар). Бундай битим тузилганда корхона мулкий мажмуа сифатида сотиб олувчига яхлит ўтади. Мажмуага ер участкаси, бино ва иншоотлар, ускуна ва инвентарлар, хом ашё, тайёр маҳсулот, талаб қилиш ҳуқуқи, қарзлар, кор-

хонанинг ўзига хос жиҳатларини акс эттирувчи белгиларга, маҳсулоти, ишлари ва хизматларига хос белгиларга бўлган ҳуқуқлар (фирма номи, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари)* ва бошқа мутлак ҳуқуқлар (интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш ҳуқуқлари) киради. Бошқача қилиб айтганда, **корхона фаолияти учун мўлжалланган** барча турдаги мол-мулк ва ҳуқуқлар киради. Мулкий мажмуа сифатида корхонанинг олди-сотди шартномаси бўйича сотувчи бошқа шахсларга топширишга ҳақли бўлмаган ҳуқуқлар ва мажбуриятлар, айтилик, лицензия асосида фаолиятнинг муайян тури билан шуғулланиш учун олган ҳуқуқлари ўзига топширилиши мумкин эмас. Топширилаётган мол-мулк таркибига қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар ва бошқалар), банк ҳисобварақлари ва шунга ўхшаш объектлар кирмайди. Тарафлар нималарни бериш мумкин-у нималарни бериб бўлмаслигини инобатга олган ҳолда ҳар бир муайян ҳолатда сотилаётган корхонанинг таркибий элементларини мустақил тарзда белгилаб оладилар.

Корхонани сотишга тайёрлаётганда унинг таркибига кирувчи мол-мулк ҳамда барча турдаги молиявий мажбуриятлар «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш» деб юритиладиган 19-сонли бухгалтерия ҳисоби миллий стандартига (Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 2 ноябрда 833-рақам билан рўйхатга олинган) мувофиқ тўлиқ



Тўн кимники — ОБЪЕКТ —

инвентаризация қилиниши, шунингдек инвентаризация қилинаётган мол-мулк қиймати 1999 йил 19 августда қабул қилинган «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг (811-сонли) қоидаларига биноан мустақил баҳоловчи томонидан баҳоланмоғи лозим. Шартнома имзолангунга қадар корхонанинг молиявий ҳисоботи ва бошқа бухгалтерия ҳужжатлари аудиторлик текширувидан ўтказилиши, корхона таркибига кирадиган барча мажбуриятлар рўйхати кредиторларни, уларнинг талаблари хусусияти, миқдори ва муддатлари ҳамда шу сингариларни ҳам кўрсатган ҳолда белгилаб олинмоғи керак. Аудиторлик текширувлари аудиторлик фаолияти миллий стандартларига ҳамда «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунга (унинг янги таҳрири 2000 йил 26 майдаги 78-сонли Қонун билан тасдиқланган) мувофиқ ра-

вишда ўтказилади. Корхонанинг олди-сотди битими узлуксиз юридик кузатув асосида бўлишини ҳам унутмаслик керак. Бинобарин, малакали юрист унинг барча босқичларида ҳозир бўлиши ва иштирок этиши шарт.

Шуни инобатга олиш зарурки, инвентаризация ва баҳолашни, аудиторлик текширувини ўтказиш билан боғлиқ харажатларни қонун сотувчи зиммасига юклайди, аммо тарафларнинг келишувига биноан харажатлар улар ўртасида тақсимланиши ҳам мумкин. Тарафлар томонидан шартнома тузилаётганларида унга инвентаризация далолатномаси, аудиторлик ҳулосаси, мулкий мажмуанинг бухгалтерия баланси, шунингдек корхона таркибига киритиладиган барча қарзлар (мажбуриятлар) кредиторларнинг улар талаблари хусусияти, миқдори ва муддатлари ҳам кўрсатилган рўйхати сингари ҳужжатлар илова қилиниши шарт. Шуни ҳам назарда тутиш жоизки, агар кредиторлар корхона сотилаётганлигидан ёзма равишда хабардор этилмаган бўлса, улар мажбуриятларни тугатиш ёки муддатидан илгари ижро этиш ҳамда шу муносабат билан етказилган зарарларнинг ўрни сотувчи томонидан қопланиши тўғрисида ёхуд корхонани сотиш тўғрисидаги шартномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида хўжалик судига даъво тақдим этишга ҳақлидир.

Корхонани сотиш шартномаси ёзма шаклда тузилади. Бунда битта ҳужжат тузилиб, тарафлар томонидан имзоланади, мазкур ҳужжатга илова этилиши шарт бўлган ҳужжатлар тиркаб қўйилади, шартнома нотариал тарзда гувоҳлантирилади ҳамда бино ва иншоотлар давлат кадастри органларида давлат рўйхатидан ўтказилади**.

Корхона сотувчи томонидан сотиб олувчига топшириш далолатномасига мувофиқ топширилади***, унда корхо-

нанинг таркиби, кредиторлар корхона сотилиши тўғрисида хабардор қилинганлиги, сотилаётган объект билан биргаликда топширилиши жоиз бўлган ҳужжат турлари ва шу сингарилар кўрсатилади. Сотилаётган корхонанинг барча мол-мулки (бинолар, иншоотлар, ускуналар ва шу сингарилар) қайси юридик шахсга тааллуқли бўлиб келган бўлса, шу юридик шахс баланси-дан ўчирилади ва сотиб олувчининг баланси-га киритилади.

Топшириш далолатномаси ҳар иккала тараф томонидан имзоланган пайтдан эътиборан корхона сотиб олувчига топширилган деб ҳисобланади ҳамда мазкур объект таркибига топширилган мол-мулкнинг тасодифан шикасти топиши ёки йўқолиши таҳдиди ва таваккалчиликларини сотиб олувчига ўтади. Корхонага бўлган мулк ҳуқуқи ана шу корхона жойлашган ердаги бинолар ва иншоотлар давлат кадастри хизмати томонидан давлат рўйхатига олинган**** (қайта рўйхатга олинган) пайтдан эътиборан сотиб олувчига ўтади. Давлат рўйхатига олиш, қоида тариқасида, объект «Бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида»ги қонунга (Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 июндаги 278-сон қарори билан тасдиқланган) ва «Бинолар ва иншоотларнинг давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида»ги йўриқномага (АВ томонидан 01.01.1998 й. 387-сон билан рўйхатга олинган, бундан буён матнда 387-сон йўриқнома деб юритилади) мувофиқ сотиб олувчига топширилганидан кейин бевосита амалга оширилади. 387-йўриқнома 8-бандининг иккинчи хатбошисига кўра корхона хизматидаги ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқи, бу участкага эгалик қилиш ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқи алоҳида рўйхатга олинмайди. Бу қарор корхона таркибига кирса-да, алоҳида рўйхатга олинмай, бинолар ва

*Мазкур ҳуқуқлар, агар олди-сотди шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, сотиб олувчига ўтади. Бу ҳуқуқлар сотиб олувчига тўлиқ ҳажмда ёки муайян қисмлари бўйича ўтишига йўл қўйилади. Шуни ҳам унутмаслик кераки, Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августдаги «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Қонуни 30-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ Товар белгисига доир ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш шартнома ёки лицензия шартномаси Патент идорасида рўйхатдан ўтказилиши керак. Рўйхатдан ўтказилмаса, бундай шартнома ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Бинобарин, агар корхонани сотиш шартномасида товар белгисига бўлган ҳуқуқлар сотиб олувчига ўтиши тўғрисидаги қоида кўрсатилган бўлса, у ҳолда бу шартнома бинолар ва иншоотлар давлат кадастри хизматидагина эмас, балки патент идорасида ҳам рўйхатдан ўтказилмоғи керак.

** Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 июндаги «Ўзбекистон Республикасида бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш тўғрисида»ги (Вазирлар Маҳкамасининг 19.10.2004 й. 483-сон қарори таҳриридаги қарор номи) 278-сон қарорининг 2-бандига мувофиқ туманлар ва шаҳарларда бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимларига юклатилган. Мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатнинг 3-бандига белгиланишича, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 84-моддасида назарда тутилган бинолар ва иншоотларга эгалик ҳуқуқини ҳамда улар юзасидан битишувларни давлат рўйхатидан ўтказиш юқоридида қайд этилган давлат органининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаларининг рўйхатдан ўтказиш идоралари томонидан амалга оширилади.

*** Топшириш далолатномасини тузиш ва уни имзолаш учун тақдим этиш, агар тарафлар томонидан бошқача қоида белгиланган бўлмаса, сотувчининг мажбурияти деб қаралади ва унинг ҳисобидан амалга оширилади.

**** ФКнинг 85-моддаси биринчи қисмига мувофиқ бутун корхона мулкий комплекс сифатида кўчмас мулк ҳисобланади, ФКнинг 84-моддаси биринчи қисмига мувофиқ эса кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар, бу ҳуқуқларнинг вужудга келиши, бошқа шахсларга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлиши давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

***** Фуқаролик кодекси 494-моддасининг иккинчи қисми мазмунидан шу нарса англашиладики, корхонани сотиш шартномасида мулкий мажмуага бўлган мулк ҳуқуқини мажмуани сотиб олувчига топширгунга қадар ёки топшириш пайтида давлат рўйхатидан қайта рўйхатдан ўтказиш назарда тутилиши мумкин.

***** Янги ташкил топган хўжалик юритувчи субъектларни рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомиллари ва бунинг учун керак бўладиган ҳужжатлар ҳақида «Норма маслаҳатчи»нинг 2008 йил 25 апрелдаги 17 (146)-сониди муфассал сўз юритилган.

РЕКЛАМА



ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ
ПАЛАТАСИ ХУЗУРИДАГИ
ҲАКАМЛИК СУДИ

ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ХУЗУРИДАГИ ҲАКАМЛИК СУДИ

ТЕЗКОР! ТЕЖАМЛИ! МАЛАКАЛИ! ИШОНЧЛИ!

- **Хўжалик низосини тез ҳал этиш** (низони фақат битта инстанцияда энг қисқа муддатда кўриб чиқиш)
- **Иш кўришнинг тежамлилиги** (низони ҳал этишга алоқадор тарафларнинг кам чиқим қилиши)
- **Судьяларнинг малакаси** (судьяни тарафлар энг тажрибалилари орасидан танлаб оладилар)
- **Мобиллик** (низони Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг исталган жойида кўриб чиқиш имконияти)
- **Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг тугаллиги** (ҳал қилув қарори устидан давлат судига низо моҳиятига кўра шикоят бериш мумкин эмас)
- **Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг мажбурий ижро этилиши**, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан кафолатланган (давлат судлари ҳал қилув қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда)

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси хузуридаги ҳакамлик суди

Ўзбекистон Республикаси, 100047, Тошкент ш., Бухоро кўч., 6. Телефон (+998-71) 2394329 Факс (+998-71) 2320903. Web-site: www.chamber.uz, e-mail: sud@chamber.uz

Хорижий тажриба




Россия Олий арбитраж суди (ОАС) ноль ставка бўйича товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилиш чоғида ҚҚСни қоплаш тўғрисидаги низолар туфайли юзага келадиган айрим процессуал масалаларга тушунтириш берди. Шундай қилиб, солиқ тўловчи солиқни қоплашнинг суддан ташқари таомилларини тўлиқ амалга оширгандан сўнггина ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиши лозим.

Биринчидан, у солиқ органига ҚҚС бўйича декларация ва солиқни қайтариш (ҳисобга олиш) тўғрисида ариза топшириши керак. Солиқ органини четлаб ўтиб, қоплов юзасидан бевосита судга мурожаат қилиш мумкин эмас: суд бундай аризани қабул қилмайди.

Иккинчидан, ФСХИга декларация ва ариза билан бирга солиқнинг нулинчи ставкасини тасдиқловчи ҳужжатларнинг тўлиқ комплекти топширилиши лозим. Агар бирор-бир ҳужжат етишмас ва солиқ органи бунинг асос қилиб қопловни рад этса, у ҳолда аввало етишмаётган қоғозларни солиқ органига тақдим этиш шарт. Бу ҳужжатларни олдиндан солиқ инспекцияси билан «мулоқот қилмасдан», судга олиб бориш бефойда.

Учинчидан, солиқ тўловчи солиқ инспекциясига камерал текширув чоғида сўралган солиққа оид ҳисоб-китоблар (хусусан, ҳисобварақ-фактурага «кирувчи» ҳисобларни) қўлланиши тўғрисидаги тасдиқловчи ҳужжатларнинг ҳаммасини тақдим этиши лозим. Бу ҳужжатларни солиқ органига тақдим этиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда (масалан, улар ваколатли давлат органи томонидан олиб қўйилган бўлса) улар бевосита судга тақдим этилади.

Агар санаб ўтилган босқичлардан ўтиб бўлинган бўлса, бироқ солиқ органи қопловни рад этиш тўғрисида қарор чиқарган бўлса ёки қарор чиқариш муддати тугаб, қарор қабул қилинмаган тақдирда судга мурожаат қилиш вақти келган бўлади.



Тушунтиришлар электрон маълумотнома тизими материаллари асосида тайёрланди

NORMA
Ахборот-хукукий тизими

КОРХОНА ЮРИСТИ

Тошкент ш.: (99871) 237-07-78, 237-45-29
Гулистон ш.: (3672) 27-58-97
Самарканд ш.: (3662) 23-23-73
Наманган ш.: (3692) 32-84-26
Фарғона ш.: (3732) 26-78-80

Сотиб олиш масалалари буйича куйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг:

Андижон ш.: (3742) 50-25-96
Қарши ш.: (99875) 227-18-11

Кийганники, сотиб олганники

иншоотлар давлат кадастрига корхона-нинг янги мулкдори (эгаси), бинобарин тегишли кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқ субъекти ҳақидаги ёзув киритиладиган бошқа айрим кўчмас мулк объектларига ҳам тааллуқлидир. Корхона таркибига кирувчи мазкур объектларнинг ҳар бири юзасидан улар турган жой бўйича бундай ёзув киритиш учун корхонанинг умуман мулкый мажмуа сифатида давлат рўйхатига олинганлиги асос бўлади.

Агар корхона банд этиб турган ерлар ижарага олинган бўлса, сотиб олувчи ўзи олаётган мулкый мажмуа турган ер участкасининг ижара шартномасини қайта расмийлаштириши зарур. Мажбуриятлари сотиб олинаётган корхона таркибидан сотиб олувчига топширилган бошқа шартномаларни ҳам қайта тузиш тақозо этилади.

Корхонанинг мулкый мажмуа сифатида олди-сотди жараёни сотувчи учун ҳам, сотиб олувчи учун ҳам молия бобида ва бошқа жиҳатдан қатор таҳдид ва таваккалчиликлар билан боғлиқдир. Бундай таҳдид ва таваккалчиликларни имкон қадар камайтириш учун қуйидагилар тавсия этилади:

- бизнес объектини сотиб олишдан олдин унинг ҳар тарафлама мукамал ташхисини ўтказиш;
- корхонанинг ҳақиқий бозор қийматини аниқлаш учун профессионал баҳоловчиларни жалб этиш;
- объектни сотиб олиш тартиби ҳамда таомилларини пухта ўйлаш ва контрагент билан келишиб олиш;
- сотиб олиш билан боғлиқ барча муҳим шартларни шартнома матнида муфассал таърифлаб ўтиш. Биринчи навбатда бу гап мулкый мажмуа таркибига, тарафларнинг битимни ижро этиш борасидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тақсимлашга, мол-мулкни

ҳақиқатда топшириш тартиби ва шу сингариларга тааллуқлидир.

Ана шу тавсияларга қатъий риоя этиб, корхона олди-сотдиси битими юридик жиҳатдан билимдонлик билан йўғрилишини таъминлаш асосида ижобий натижадан бемалол умидвор бўлиш мумкин.

Корхонани мулкый мажмуа сифатида олган субъект унга бўлган мулк ҳуқуқи рўйхатга олинганидан кейин шу ҳуқуқ негизда масъулияти чекланган жамият, акциядорлик жамияти, унитар корхона ва шу сингари шаклларда мустақил юридик шахс тузиши, бошқачароқ қилиб айтганда, унинг муассиси (мулкдори) бўлиб, иш юритиши мумкин. Ҳўжалик фаолиятининг янги субъекти рўйхатдан ўтиш учун тегишли шаҳар ёки туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциясига Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга (Президентнинг 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сон қарори билан тасдиқланган) ёки Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низом (Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарори) билан тасдиқланган) қоидаларига амал қилган ҳолда мурожаат этиши зарур.

Балансига сотиб олинган корхона ўтган сотиб олувчи юридик шахс алоҳида тузилма тузиши шарт эмас. Зотан бу корхона унинг мулкида экан, бу корхона бошқа мустақил субъект ташкил этмасдан туриб ҳам фаолият юритавериши мумкин.

УЛУШИНГИЗНИ МЕНГА СОТИНГ

Бизнес олди-сотдисининг бошқа

усули ҳам мавжуд. Муассислик улушини сотиб олиш ёки ўзганинг фойдасига ундан воз кечиш шаклида ҳам битимлар тузиладики, бунда бир субъект бошқа субъектдан (ягона муассисдан) унинг корхона тегишли бўлган учинчи субъект устав фондидаги улуши ҳақини тўлаб ўзига олади ва корхонанинг янги муассисига айланади. Шу зайл мазкур мулкый мажмуанинг бундан кейинги тақдирини белгилаб бериш имкониятига эга бўлади. Бундай битимда муассислар шунчаки алмашиб кўя қолади, корхона эса аввалгидек ўз фаолиятини давом эттираверади ҳамда ҳақи тўлаб олинган улуш соҳиби бўлмиш юридик шахсга тегишли бўлиб қолади.

Бундай ҳолларда сотиб олувчи янги юридик шахс тарихида рўйхатдан ўтмаса ҳам бўлади. Улуши бошқа субъектга сотилган юридик шахснинг уставига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, уни давлат рўйхатдан қайта ўтказишнинг ўзи кифоя. Ана шундан кейингина мазкур сотиб олувчи корхона қайси юридик шахсга тегишли бўлса, худди шу юридик шахснинг тўла ҳуқуқи муассиси бўлиб қолади. У ўз хоҳишига кўра ташкилотнинг номини ўзгартириши, раҳбарларини алмаштириши, қўшимча равишда ходимлар қабул қилиши ёки ходимларни ишдан бўшатиши мумкин. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ тадбиркорлик субъектлари – юридик шахсларнинг таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган тақдирда тадбиркорлик субъектининг ваколатли бошқарув органи томонидан тегишли қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб 7 иш куни мобайнида уларни рўйхатдан ўтказган органга ўзлари келиб ёки почта алоқаси орқали қуй-

идаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- ариза;
- тадбиркорлик субъектининг ваколатли бошқарув органининг таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарори;
- ўзгартириш ва қўшимчалар матнининг тадбиркорлик субъекти муҳри билан тасдиқланган икки нусхаси;
- давлат бож ёки рўйхатдан ўтказиш йиғимининг белгиланган миқдори тўланганлиги ҳақида банк тўлови ҳужжати;
- номи ўзгарган тақдирда – давлат рўйхатидан ўтказилганлик ҳақидаги гувоҳноманинг асл нусхаси ва янги фирма номига бир хил ёки адаштириш даражасида ўхшаш бўлган фирма номи мавжуд эмаслиги ҳақидаги маълумотнома, алмаштирилган муҳр ва штамп, шунингдек янги муҳр ва штампнинг уч нусхадаги эскизи.

ДЎППИНИ ҚЎЙИБ ЯХШИЛАБ ҲИСОБЛАБ КЎРАМИЗ

Бизнес олди-сотдисининг юқорида кўриб чиқилган усулларида ҳар бирининг ижобий ва салбий томонлари бор. Масалан:

- корхонага эгалик қилувчи юридик шахсдаги муассислик улушини сотиб олишнинг ижобий жиҳатига битимни тезкорлик билан амалга ошириш мумкинлигини киритса бўлади. Бу иш бир неча кун, нари борса икки-уч ҳафтада амалга оширилади. Корхонанинг мулкый мажмуа сифатида олди-сотди битимини расмийлаштиришга тайёрлаш ва битимни ижро этиш рўйхатга олиш билан боғлиқ жиҳатларни ҳам инобатга олганда камида ярим йилга чўзилади;
- корхона мулкый мажмуа сифатида сотилганда фаолиятнинг муайян турлари билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар ва ижозат этиш

билан боғлиқ бошқа ҳужжатлар сотиб олувчига ўтмайди. Негаки лицензия мулкый мажмуа сифатидаги корхонага эмас, балки юридик шахсга берилади. Муассислик улуши ҳақини тўлаб сотиб олинганда эса корхона аввалги субъектга тегишли бўлиб қолаверади ва тегишинча фаолиятнинг у ёки бу турини амалга ошириш ҳуқуқи учун илгари олинган лицензияси ўз кучини сақлаб қолади. Шундай қилиб, агар сотиб олувчи учун лицензия бўлиши муҳим аҳамиятга эга бўлса, бизнесни харид этишнинг иккинчи усули афзалроқдир; корхона сотилганда, қоида тариқасида, унинг кадрлар таркиби сотиб олувчи ихтиёрига ўтмайди. Субъектдан меҳнат шартномаларини қайтадан тузиш, ишга янги ходимлар қабул қилиш талаб этилади. Муассислик улуши ҳақи тўлаб олинганда эса барча меҳнат шартномалари ўз кучини сақлаб қолади, шу боис уларни қайтадан тузиш зарурати бўлмайди.

Юқорида баён этилганларни инобатга олган ҳолда шуни ҳам қайд этиш ўринлики, корхона мулкый мажмуа сифатида сотиб олинганда сотиб олувчи юридик шахсдаги муассислик улуши ҳақини тўлаб олингандагидан кўпроқ даражада ҳимоя этилган бўлади. Муассислик улуши олинган ҳолларда инобатга олинмаган мажбуриятлар чиқиб қолиши эҳтимоли кўпроқдир, чунки муассислик улуши ҳақини тўлаб сотиб олинганда қонун ижодкорлари тарафлар зиммасига бизнесни тўлиқ текширувдан ўтказиш мажбуриятини юкламайди. Тарафлар бундай текширув ўтказиш керакми ёки йўқми, мустақил тарзда ҳал этадилар, текшириладиган материаллар ҳажминини ҳам шунга қараб белгилайдилар.

Бундай ижобий жиҳат бизнесни сотиб олишнинг мазкур усулидаги барча камчилик ва нуқсонларни қоплашга қодирдир. Улушни ҳақини тўлаб олишга аҳд қилган сотиб олувчига эса сотиб олинаётган бизнесни корхона олди-сотдиси ҳолларида назарда тутилганидек тўлиқ текширувдан ўтказиш тавсия этилади.

Артём АДЕЕВ,
«NORMA» МЧЖ
эксперт-юристи.

ҚҚСни қоплашни сўрайман...

Агар суд аризани кўриб чиқиш чоғида солиқ тўловчи томонидан суддан олдинги таомилларига риоя этилмаганлигини аниқласа (масалан, декларацияни камерал текшириш пайтида солиқ тўловчи солиқчилар талаб қилган бирор-бир ҳужжатни олиб бормаган ёки бирор-бир тушунтириш бермаган бўлса), суд аризани қондиришдан бош тортади (аризани кўриб чиқиш қолдирилади). Бундай ҳолларда солиқ тўловчи учун Солиқ кодексига баён қилинган солиқни қоплаш тўғрисидаги талабларни лозим даражада бажариб, солиқ органига қайтадан мурожаат қилишдан бошқа чора қолмайди. Солиқчилар қабул қилган қарорга норози бўлган тақдирда янги қарорни суд тартибидан кўриб чиқиш учун шикоят бериш мумкин.

Солиқдан чегиринишга доир ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда шакл ёки мазмунан бирор-бир кичик хато мавжуд бўлса, ҳужжатлар солиқ органига тақдим этилмаган деб кўриб чиқирилиши мумкин бўлмайди. Шунинг учун ҳужжатлар тақдим этилмаган деган асосда (гарчи улар амалда тақдим этилган, бироқ хатоликлари бўлган) қопловга рад жавоби олинганда, бундай рад жавобининг устидан шикоят билан судга мурожаат қилиш керак. Бироқ солиқчилар айнан ҳужжатлардаги хатоликлар (масалан, ҳисобварақ-фактураларнинг мазмунини қонун ҳужжатларидаги талабларга мос келмаганлиги) туфайли қопловдан бош тортган бўлсалар, имкон қадар ҳужжатларни тузатиш керак, аввал уларни инспекцияга кўрсатиш ва такрор рад жавоби олинганда хатолик даражасини баҳолаши учун судга мурожаат қилиш лозим. Лекин суд бошқа кўринишдаги ҳужжатларни эмас, айнан солиқ инспекцияси томонидан рад жавоби бериш қарори қабул қилингандаги топширилган ҳужжатларни баҳолайди.

Агар солиқ тўловчи солиқ инспекциясига декларация билан бирга ноль ставкага ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларни тўлиқ тақдим этган, бироқ солиқ органи қуйидагиларга асосланиб солиқни



қоплашдан бош тортган бўлса:

солиқни қоплаш ҳуқуқи баён этилган ҚҚСга оид декларацияга солиқдан чегиринишга доир ҳисоблаб чиқаришларни тасдиқловчи ҳужжатлар (масалан, ҳисобварақ-фактура, бирламчи ҳужжатлар) илова қилинмаганлиги;

солиқдан чегиринишга доир ҳуқуқ тасдиқланмаганлигини, **гарчи камерал текширув чоғида керакли ҳужжатлар талаб қилинмаган ва текширилмаган бўлса**, солиқчилар қарори устидан судга шикоят қилиш лозим. Ўз навбатида суд буни ноқонуний деб тан олиши керак.

Солиқ органининг солиқни қоплаш рад қилинганлиги тўғрисидаги қарорини олган тақдирда ёхуд солиқ органи сабабларини (муддат ўтиб кетган, қарор эса йўқ) тушунтирмасдан қоплашдан бўйин товлаганда, солиқ тўловчи солиқ органи қарорини ноқонуний (ҳаракатсиз) деб тан олиш талаби билан суд-

га ариза топшириши, яъни **номулкий тусдаги талабнома** билан арз қилиши мумкин. Бу ишни солиқ тўловчига ҳуқуқлари бузилганлиги маълум бўлган кундан (хусусан, «рад қилиш» қарорини олган кундан) бошлаб уч ой мобайнида қилиш керак. Унда яна низолаштирилган қарор (ҳаракатсизлик) кўрсатилиши ва уни ноқонуний деб тан олиш тўғрисидаги талаб шакллантирилиши лозим. Бошқа ҳеч бир талаб айтилмайди.

ҚҚС суммасини қоплаш ҳақидаги ариза, яъни **мулкый тусдаги талабнома** солиқ тўловчи ҚҚСни қоплашга бўлган ҳуқуқлари бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб уч йил мобайнида судга тақдим этилади.

Бир вақтнинг ўзига **иккала талаб билан** судга мурожаат қилиш мумкин. Агар солиқ тўловчига ҳуқуқлари бузилганлиги маълум бўлган кундан бошлаб уч ой ўтиб кетгандан кейин ариза тақдим этилган бўлса, суд фақат мулкый тусдаги талабни кўриб чиқиши мумкин.

Агар суд томонидан солиқ органининг ҚҚСни қоплашни рад қилиш тўғрисидаги қарорини (солиқ органининг ҳаракатсизлигини) ноқонуний деб тан олиш ҳақидаги аризани кўриб чиқишда рад этиш сабаблари асосланмаган деб топилса, у ҳолда суд низолаштирилган солиқчилар қарорини (уларнинг ҳаракатсизлигини) ноқонуний деб тан олибгина қолмай, балки **солиқ органини белгиланган муддатда тегишли солиқ суммасини қоплашга мажбур этиши керак**.

Аммо бундай ҳолатларда солиқ органи суд томонидан қонуний деб тан олинган қопловга қарши норозилик билдирадиган бўлса, суд солиқ органининг низолаштирилган қарорини (ҳаракатсизлигини) ноқонуний деб тан олиш билан чекланади. Бундай вазиятларда солиқ тўловчи солиқни қоплаш таомилидан қайтадан ўтишига тўғри келади.

Хорижий матбуот материалларидан.

ТОШКЕНТ ШАХРИДАГИ СИНГАПУР МЕНЕЖМЕНТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИНСТИТУТИНИНГ ИНГЛИЗ ТИЛИ БЎЙИЧА ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА КАБУЛ ТЎҒРИСИДА Э Ё Л О Н

Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти Институтга кириш арафасида инглиз тилини янада чуқурроқ ўрганишни хоҳлаган абитуриентлар учун Инглиз тили бўйича тайёрлов курсларини таклиф қилади.

Тайёрлов курсида ўқув жараёни Сингапур менежментни ривожлантириш институтида (Сингапур Республикаси) қабул қилинган меъёрлар, таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ амалга оширилади.

Профессор-ўқитувчилар таркиби

Инглиз тили бўйича тайёрлов курслари республикаимиз олий ўқув юртлари ҳамда Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг (Сингапур Республикаси) етакчи профессор-ўқитувчилари томонидан олиб борилади.

Тайёрлов курсларининг тафсилоти

Тайёрлов курслари IELTS бўйича 5,0 балл йиға олмаган абитуриентлар учун инглиз тили бўйича бошланғич дастур сифатида тақдим этилади. Мазкур курсни тамомлаган талабалар Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг 1-чи курсига қабул қилиниш учун инглиз тили бўйича имтиҳонни Институтда топширишлари мумкин.

Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти инглиз тили бўйича 3 босқичдаги тайёрлов курсларини таклиф қилади:

- Ўрта (6 ҳафта)
- Юқори-ўрта (6 ҳафта)
- Юқори (4 ҳафта)

Тайёрлов курслари 2008 йилнинг 23 июнидан бошланади.

ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИНИНГ МАЗМУНИ

Мақсад

Курслар давомида талабалар куйидагиларни ўрганадилар:

сайёҳлик учун чоп этиладиган газета ва брошюралардаги мақолалардан парчалар; аризалар (ишга жойлашиш учун), норасмий хатлар ва газеталар таҳририятларига ёзилган хатлар (мақола ҳақидаги хулоса); ариза шакллари; эълонлар; фильмлар, спектакль, китоблар ва кўнгилочар дастурларга оид қисқа шарҳлар; кўрсатма ва ахборот берувчи мақолалар; қисқа ва кўргазмали ҳикояларни ўқиш ва тушуниш.

Ўқув жараёнидан кутилаётган натижалар

Дастур якунида талабалар куйидаги кўникмаларга эришишлари кутилмоқда:

Ёзма нутқ кўникмалари

- Расмий хатлар ёзиш
- Тавсифли ва ҳикояли иншоларни ёзиш
- Қисқа тавсифли ҳикоялар ёзиш
- Белгиланган намунадаги ариза шакллари тўлдириш
- Аризаларни ёзиш (ишга жойлашиш учун)
- Миннатдорчилик хатларини ёзиш
- Фильм, спектакль ва кўнгилочар дастурларга оид қисқа шарҳларни ёзиш
- Сериллар учун сценарийлар ёзиш
- Газета таҳририятига мақола ҳақидаги хулоса ёзиш

Эшитиш қобилияти

- Вазиятли суҳбатлар, интервьюлар ва ҳикояларни эшитиш ва тушуниш

Оғзаки нутқ кўникмалари. Мулоқот.

- Ҳолатлар ва воқеаларни тасвирлаб бериш
- Режалар ва орзулар ҳақида гапириб бериш
- Фактларга асосланган маълумотларни олиш ва бериш
- Ижтимоий масалалар бўйича шахсий фикрлар ва қарашларни баён этиш
- Юз бераётган ҳолатни муҳокама қилиш
- Фикр юритиш жараёнини сўз билан ифодалаш
- Ҳис-туйғуларни ифодалаш
- Мулоқот қилиш
- Маслаҳат сўраш ва бериш
- Одамлар орасида тақдимотлар қилиш (маърузани таъсирчан ташкил қилиш; мазмунни кетма-кетликда ифодалаб бериш; маърузани таъсирчан яқунловчи сўз билан тугатиш)

Жамоа муҳокамаларида қатнашиш

1. Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти 2008/2009 ўқув йилига тайёрлов курсларининг 3 та босқичига 400 та тингловчини қабул қилишни режалаштирган.
2. Барча аризалар **2008 йилнинг 21 июнига қадар соат 9.00 дан 17.00** гача қабул қилинади.

Қабул ҳайъатига куйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

- Белгиланган намунадаги ариза;
- Умумтаълим мактабининг аттестати, академик лицей, касб-хунар коллежи дипломи ёки олий ўқув муассасасининг дипломи нусхаси;
- 3,5 x 4,5 см ўлчамидаги 6 та рангли фотосурат;
- 3. Танлов Қабул ҳайъати томонидан ўтказилади.
- 4. Тайёрлов курсларига қабул қилинганлар рўйхати **2008 йилнинг 28 июнидан** кечиктирилмаган ҳолда эълон қилинади.

Тайёрлов курсларида таҳсил олиш учун тўлов миқдори

Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтига қабул қилинган абитуриентларга инглиз тили бўйича тайёрлов курсларида таҳсил олиш учун тўланган маблағлари ҳомийлар томонидан қайтариб берилади.

Ахборот учун маълумот: Ўзбекистон банклари Ассоциацияси:
Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтохур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй.
Тел.: +(998 71) 238-69-68, 232-14-00, факс: 238-69-62,
E-mail: office@uba.uz, Web-site: http://www.uba.uz
Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти:
Манзил: Ўзбекистон Республикаси,
Тошкент шаҳри, 100185, Чилонзор тумани, Халқлар Дўстлиги шоҳкўчаси,
28-уй. E-mail: mdis_uz@mdis.edu.sg

ТОШКЕНТ ШАХРИДАГИ СИНГАПУР МЕНЕЖМЕНТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИНСТИТУТИ БАКАЛАВРИАТИГА КАБУЛ ТЎҒРИСИДА Э Ё Л О Н

Институт тўғрисида

Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 5 сентябрдаги ПҚ-691-сонли қарорига мувофиқ ташкил этилган.

Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти 2008/2009 ўқув йилига бакалавриат дастурининг «Бизнес бошқаруви/Менежмент» йўналиши бўйича қабулни эълон қилади.

Ўқув жараёни Сингапур менежментни ривожлантириш институтида (Сингапур Республикаси) қабул қилинган меъёрлар, таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ амалга оширилади.

Профессор-ўқитувчилар таркиби

Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг академик ходимлари таркиби маҳаллий ва Сингапур менежментини ривожлантириш институти (Сингапур Республикаси) ўқитувчиларидан ташкил топади. Юқори академик андозаларни таъминлаш мақсадида Институтга етакчи халқаро молия институтлари, таълим муассасалари ва илмий марказларининг юқори малакали маслаҳатчилари, экспертлари ва мутахассислари жалб этиладилар.

Диплом

Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти томонидан бериладиган диплом Ўзбекистон Республикасида олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат сифатида эътироф этилади ҳамда сифати ва андозалари бўйича Сингапур менежментни ривожлантириш институти (Сингапур Республикаси) томонидан бериладиган илмий даражага тенг бўлади.

Институтдаги таълим дастурлари

Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти 2008/2009 ўқув йилига бакалавриат дастурининг «Бизнес бошқаруви/Менежмент» йўналиши бўйича куйидаги мутахассисларга қабул эълон қилади:

Тадбиркорлик ва Менежмент – **фанлар бакалаври.**

Бизнес ва Маркетинг – **фанлар бакалаври.**

Дарслар инглиз тилида олиб борилади.

Ўқиш муддати – 4 йил. Дарслар 2008 йилнинг 6 октябридан бошланади ва кундузги таълим шаклида амалга оширилади.

Қабул қоидалари

1. 2008/2009 ўқув йилида «Бизнес бошқаруви/Менежмент» факультетига жами 220 та талаба шу жумладан: «Тадбиркорлик ва Менежмент» мутахассислиги бўйича 110 та ва «Бизнес ва Маркетинг» мутахассислиги бўйича 110 та талаба қабул қилинади.

2. Ҳужжатлар **2008 йилнинг 5 августигача соат 9:00дан 17:00** гача қабул қилинади.

Қабул ҳайъатига куйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Институт Ректори номига ариза (мутахассислик номи кўрсатилган ҳолда);
2. Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг ариза шакли (Application form) тўлдирилади;
3. Умумтаълим мактабининг 11-синфини битирганлиги тўғрисидаги аттестатнинг, академик лицейни ёки касб-хунар коллежини битирганлиги тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
4. Олий ўқув юртини тамомлаганлиги ҳақидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси (иккинчи олий маълумотга эга бўлишни хоҳлаганлар учун);
5. IELTS ёки TOEFL сертификатлари (эквивалент);
6. 086-шаклдаги тиббий маълумотнома;
7. 3, 5 x 4,5 см ўлчамидаги 6 та рангли фотосурат;
8. Паспорт ва қайд этиш (ҳарбий хизматга мажбурлиги ҳақида) гувоҳномасининг нусхалари.
- 3.. Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтига қабул қилиниш учун абитуриентлар IELTS ёки TOEFL сертификатини (эквивалент) тақдим этишлари лозим. Мазкур сертификатларга эга бўлмаган абитуриентлар инглиз тили бўйича кириш имтиҳонни **2008 йилнинг 11 августидан 13 августигача** Институтнинг биносида топширишлари мумкин.
4. Биринчи (умумтаълим) курсга қабул қилиниш учун IELTS бўйича натижалар 5,0-5,5 дан кам бўлмаган баллни (TOEFL эса 500-549 баллни) ташкил этиши, умумтаълим мактаби аттестати, академик лицей ёки касб-хунар коллежи дипломи бўйича ўртача балл 4,0 дан кам бўлмаслиги лозим.
5. Институтнинг иккинчи курсига куйидаги шахслар қабул қилиниши мумкин:
 - IELTS бўйича 6,0 кам бўлмаган ёки TOEFL бўйича 550 баллга эга ва
 - Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларининг 1-курсини тугатган ёки 2-мутахассислик олиш учун олий ўқув юртини тўлиқ тугатган.
6. Танлов қабул ҳайъати томонидан ўқазилади.
7. Қабул ҳайъати қарори **2008 йилнинг 27 августидан** кечиктирилмаган ҳолда эълон қилинади.

Ўқиш учун тўлов қиймати

Институтда ўқиш тўлов-контракт асосида амалга оширилади. Контракт қиймати бир йилга 4200 АҚШ долларини ташкил этади (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича).

Грантлар ва Стипендиялар

Институтга қабул қилинишда энг юқори балл тўплаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган абитуриентлар, асосан мамлакат минтақаларидан келган ёшлар Сингапур менежментни ривожлантириш институти (Сингапур Республикаси), Ўзбекистон банклари Ассоциацияси, тижорат банклари ва бошқа ҳомийлар томонидан таъсис этиладиган, махсус грантлар бўйича таълим олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Сингапур менежментни ривожлантириш институти (Сингапур Республикаси) ва Ўзбекистон банклари Ассоциацияси томонидан таъсис этиладиган махсус таълим грантлари бўйича ўқиш ҳуқуқи берилган талабалар билан ўқишни тамомлаганларидан сўнг тақсимотга мувофиқ 5 йил довомида ишлаб бериш ёки таълим олиш учун сарфланган маблағларни қоплаш мажбуриятини кўзда тутувчи шартнома тузилади.

Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти талабаларига стипендия тўланмайди.

Ахборот учун маълумот: Ўзбекистон банклари Ассоциацияси:
Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтохур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй.
Тел. (998 71) 238-69-68, 232-14-00, факс: 238-69-62,
E-mail: office@uba.uz, Web-site: http://www.uba.uz
Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти:
Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 100185,
Чилонзор тумани, Халқлар Дўстлиги шоҳкўчаси, 28 уй,
E-mail: mdis_uz@mdis.edu.sg

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

«Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида.»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ЭГАЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИНИ МАЖБУРИЙ СУГУРТА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА*

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 21 февралда қабул қилинган.

Сенат томонидан 2008 йил 27 мартда маъқулланган.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 17-сон, 128-модда)

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш (бундан буён матнда мажбурий суғурта деб юритилади) соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

жабрланувчи — транспорт воситаси бошқа шахс томонидан фойдаланилаётганда ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига зарар етказилган шахс;

компенсация тўловлари — мажбурий суғурта бўйича суғурта тўловини амалга ошириш мумкин бўлмаган ҳолларда, жабрланувчиларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳисобига амалга ошириладиган тўловлар;

суғурта ҳодисаси — транспорт воситасидан фойдаланишда жабрланувчиларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига зарар етказилганлиги учун суғурта қилдирувчининг ёки транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича жавобгарлиги суғурталанган бошқа шахснинг фуқаролик жавобгарлиги юзага келиши бўлиб, бу суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш мажбуриятини келтириб чиқаради;

суғурталовчи — мажбурий суғурта қилишга ҳақли тижорат ташкилоти бўлган юридик шахс;

суғурта қилдирувчи — суғурталовчи билан транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузган транспорт воситаси эгаси;

суғурта пули — бу шундай суммаки, суғурталовчи суғурта ҳодисаси содир бўлганда етказилган зарарнинг ўрнини унинг доирасида жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) қоплаш мажбуриятини олади;

транспорт воситаси — йўлларда одамларни, бағажни, юкларни ёки ўзига ўрнатилган ускуналарни ташиш учун мўлжалланган қурилма;

транспорт воситасининг эгаси — транспорт воситасининг мулкдори, шунингдек транспорт воситасига хўжалик юритиш ҳуқуқи ёки оператив бошқариш ҳуқуқида ёхуд бошқа қонуний асосда (мулк ижараси шартномаси, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ишоннома, тегишли

органнинг мазкур шахсга транспорт воситасини топшириш тўғрисидаги фармойиши ва шу кабилар) эгалик қилувчи шахс. Ўз хизмат ёки меҳнат мажбуриятларини бажариши туфайли, шу жумладан транспорт воситасининг мулкдори ёхуд ўзга эгаси билан меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартномаси асосида транспорт воситасини бошқарувчи шахс транспорт воситасининг эгаси бўлмайди;

транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси (бундан буён матнда мажбурий суғурта шартномаси деб юритилади) — суғурта шартномаси бўлиб, унга кўра суғурталовчи суғурта ҳодисаси содир бўлганда жабрланувчиларга уларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ушбу суғурта ҳодисаси оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини шартномада шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига суғурта пули доирасида қоплаш мажбуриятини олади;

транспорт воситасидан фойдаланиш — транспорт воситасидан унинг йўлларда (йўл ҳаракатида), шунингдек уларга туташ, транспорт воситалари ҳаракати учун мўлжалланган ҳудудларда ҳаракатланишидан иборат бўлган фойдаланиш. Транспорт воситасига ўрнатилган ва транспорт воситасининг ҳаракатланишда иштирок этиши билан узвий боғлиқ бўлмаган ускуналардан фойдаланиш транспорт воситасидан фойдаланиш ҳисобланмайди;

ҳайдовчи — транспорт воситасини бошқарувчи шахс. Транспорт воситасини бошқариш ўргатилаётганда ўргатувчи шахс ҳайдовчи ҳисобланади.

4-модда. Мажбурий суғуртанинг асосий принциплари

Мажбурий суғуртанинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

умумийлик;

мажбурийлик;

жабрланувчиларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарар ўрни қопланишининг кафолатланиши.

2-БОБ. МАЖБУРИЙ СУГУРТАНИ АМАЛГА ОШИРИШ ШАРТЛАРИ ВА ТАРТИБИ

5-модда. Мажбурий суғурта объекти

Транспорт воситасидан фойдаланишда транспорт воситалари эгаларининг жабрланувчилар ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича фуқаролик жавобгарлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ юзага келиши билан боғлиқ бўлган мулккий манфаатлари мажбурий суғурта объектидир.

Мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта қилдирувчининг ва (ёки) мажбурий суғурта шартномасида кўрсатилган транспорт воситаси бошқа эгасининг фуқаролик жавобгарлиги суғурталаниши мумкин.

6-модда. Транспорт воситалари эгаларининг ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш мажбурияти

Транспорт воситалари эгалари транспорт воситаларидан фойдаланишда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига зарар етказганлиги учун ўз фуқаролик жавобгарлигини ушбу Қонунда белгиланган тартибда ва шартларда

*Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2008 йил 22 апрелда эълон қилинган.

суғурталашлари шарт.

Фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш мажбурияти қуйидаги транспорт воситаларининг эгаларига нисбатан татбиқ этилмайди:

энг катта конструктив тезлиги соатига йигирма километр-дан ошмайдиган транспорт воситалари;

тиркамалар ва икки, уч гилдиракли ёки иш ҳажми эллик куб сантиметргача бўлган двигатель ёки инсон ёхуд ҳайвон кучи билан ҳаракатга келтириладиган бошқа транспорт воситалари;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг транспорт воситалари, бундан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг хўжалик фаолиятини таъминлаш учун фойдаланиладиган автобуслар, енгил автомобиллар, бошқа транспорт воситалари мустасно;

чет давлатларда рўйхатдан ўтказилган транспорт воситалари, агар улар эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қиладиган халқаро мажбурий суғурта тизимлари доирасида суғурталанган бўлса.

Транспорт воситасига эгалик қилиш ҳуқуқи вужудга келганда (у мулк қилиб, хўжалик юритувига, оператив бошқаришга ёки бошқа қонуний асосда олинганда) транспорт воситаси эгаси унга эгалик қилиш ҳуқуқи вужудга келган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурталаши шарт.

Ушбу Қонунга мувофиқ фуқаролик жавобгарлиги бошқа шахс томонидан суғурталанган транспорт воситалари эгаларига нисбатан фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш мажбурияти татбиқ этилмайди.

Эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги ушбу Қонунга мувофиқ суғурталанмаган транспорт воситаларидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кириб келганда ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қиладиган халқаро мажбурий суғурта тизимларининг суғурта полислари мавжуд бўлмаган тақдирда, чет давлатларда рўйхатдан ўтказилган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча фойдаланилаётган транспорт воситалари эгалари ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурталаши шарт.

7-модда. Мажбурий суғурта шартномаси

Мажбурий суғурта шартномаси оммавий шартнома бўлиб, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва шартларда тузилади.

Мажбурий суғурта шартномасини тузиш шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларида кўрсатилган мажбурий суғурта шартномасининг намунавий шартларига мос бўлиши керак.

8-модда. Суғурта ҳодисаси ҳисобланмайдиган фуқаролик жавобгарлигининг юзага келиши

Ушбу Қонунга мувофиқ қуйидагилар оқибатида фуқаролик жавобгарлигининг юзага келиши суғурта ҳодисаси ҳисобланмайди:

мажбурий суғурта бўйича суғурта полисида (бундан буён матнда суғурта полиси деб юритилади) кўрсатилмаган транспорт воситасидан фойдаланилганда зарар етказилганлиги;

маънавий зарар етказилганлиги ва (ёки) бой берилган фойданинг ўрнини қоплаш мажбуриятининг юзага келганлиги;

транспорт воситасидан махсус ажратилган жойларда мусобақалар, синовлар ёки ўқув машқлари мобайнида фойдаланилганда зарар етказилганлиги;

атроф муҳитнинг ифлосланганлиги;

ташлаётган юк таъсирида зарар етказилганлиги, агар бундай жавобгарлик мажбурий суғуртанинг тегишли тури тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий суғурта қилиниши лозим бўлса;

ходимлар хизмат ёки меҳнат мажбуриятларини бажараётганида уларнинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганлиги, агар бу зарарнинг ўрни мажбурий суғуртанинг тегишли тури тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланиши лозим бўлса;

ходимга зарар етказилганлиги туфайли келиб чиққан зарарнинг ўрнини иш берувчи томонидан қоплаш мажбурияти; ҳайдовчининг ўзи бошқараётган транспорт воситасига ва унинг тиркамасига, уларда ташилаётган юкка ва (ёки) уларга ўрнатилган ускуналарга зарар етказганлиги;

юкни ортиш ёки туширишда, шунингдек транспорт воситаси мазкур транспорт воситасининг эгаси бўлган корхона, муассаса ёки ташкилот ҳудудида ҳаракатланаётганида зарар етказилганлиги;

нодир ва бошқа ноёб буюмларга, меъморий ёдгорликлар,

қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлардан ва металллардан ишланган буюмларга, диний қадриятга эга буюмларга, санъат асарлари, қўлёзмалар, ноёб аудиовизуал асарларга ҳамда интеллектуал фаолиятнинг бошқа маҳсуллари, қимматли қоғозларга, нақд пулларга, шу жумладан чет эл валютасига шикаст етказилганлиги ёки уларнинг йўқ қилинганлиги;

жабрланувчиларнинг суғурта ҳодисаси юзага келишига қаратилган қасддан қилинган ҳаракатлари натижасида зарар етказилганлиги.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолларда транспорт воситаси эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги юзага келган тақдирда етказилган зарарнинг ўрни улар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланиши керак.

9-модда. Мажбурий суғурта шартномасининг амал қилиш муддати

Мажбурий суғурта шартномаси бир йил муддатга тузилади, ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида, шунингдек ушбу Қонуннинг 16-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Чет давлатларда рўйхатдан ўтказилган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча фойдаланилаётган транспорт воситаларининг эгалари ушбу транспорт воситаларидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча фойдаланиладиган бутун муддатга, лекин камида ўн беш кунга мажбурий суғурта шартномасини тузади, ушбу Қонун 6-моддаси иккинчи қисмининг бешинчи хатбошисида назарда тутилган ҳол бундан мустасно.

Транспорт воситаси олинганда (сотиб олинганда, мерос қилиб олинганда, ҳадяга олинганда ва ҳоказо) унинг эгаси транспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш жойига бориш муддатида мажбурий суғурта шартномасини тузишга ҳақлидир. Бунда транспорт воситасининг эгаси транспорт воситаси рўйхатдан ўтказилгунига қадар бир йилга мажбурий суғурта шартномасини тузиши шарт.

10-модда. Мажбурий суғурта бўйича суғурта тарифларининг давлат томонидан тартибга солиниши

Мажбурий суғурта бўйича суғурта тарифларини давлат томонидан тартибга солиш ушбу Қонунга мувофиқ иқтисодий асосланган суғурта тарифларини ёки уларнинг энг юқори даражаларини белгилаш, шунингдек суғурта тарифларининг тузилишини ва суғурталовчилар томонидан суғурта мукофоти миқдорини аниқлашда уларнинг қўлланилиш тартибини белгилаш орқали амалга оширилади.

Мажбурий суғурта бўйича суғурта тарифлари, уларнинг энг юқори даражалари, суғурта тарифларининг тузилиши ва суғурталовчилар томонидан суғурта мукофоти суммасини аниқлашда уларнинг қўлланилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ушбу Қонунга мувофиқ белгиланади.

Белгиланган суғурта тарифларининг амал қилиш муддати бир йилдан кам бўлиши мумкин эмас. Суғурта тарифларининг ўзгариши суғурта қилдирувчи тўлаш пайтида амалда бўлган суғурта тарифларига кўра тўлаган суғурта мукофотининг миқдори мажбурий суғурта шартномасининг амал қилиши муддати мобайнида ўзгаришига олиб келмайди.

11-модда. Суғурта тарифларининг базавий ставкалари ва коэффициентлари

Суғурта тарифлари базавий ставкалардан ва коэффициентлардан иборат бўлади.

Суғурта тарифларининг базавий ставкалари транспорт воситаларининг улардан фойдаланишда зарар етказилиши эҳтимолига ва етказилган зарарнинг потенциал миқдорига жиддий таъсир этадиган техник тавсифлари, конструктив хусусиятлари ҳамда белгиланган мақсадидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Суғурта тарифларининг коэффициентлари қуйидагилардан келиб чиққан ҳолда белгиланади:

транспорт воситасидан энг кўп фойдаланиладиган ҳудуддан;

ўтган даврларда мажбурий суғуртани амалга оширишда суғурталовчилар томонидан суғурта тўловлари тўланганлиги ёки тўланмаганлигидан;

ҳайдовчининг ҳайдовчилик стажидан;

транспорт воситасидан фойдаланишнинг мавсумийлигидан;

ўтган даврларда суғурталовчи сўраган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар суғурта қилдирувчи томонидан била туриб бузиб кўрсатилганлиги, тўғри маълумотлар хабар қилинган тақдирда тўланиши лозим бўлган суммага нисбатан камроқ суммада суғурта мукофоти тўланишига олиб келганлиги фактларининг мавжудлигидан;

ўтган даврларда суғурта қилдирувчи (мажбурий суғурта шартномаси бўйича фуқаролик жавобгарлиги суғурталанган

бошқа шахс) томонидан суғурта ҳодисаси содир бўлишига, шунингдек етказилган зарарнинг миқдори ошишига қасддан кўмаклашиш ёки суғурта ҳодисасининг содир бўлиши ҳолатларини суғурта тўловини ошириш мақсадида била туриб бузиб кўрсатиш фактларига йўл қўйилганлигидан;

ўтган даврларда регресс талаб қўйилишига асос бўлган ҳолатларда суғурта қилдирувчи (мажбурий суғурта шартномаси бўйича фуқаролик жавобгарлиги суғурталанган бошқа шахс) томонидан зарар етказилиши фактлари мавжудлигидан;

ушбу Қонун 16-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган суғурта тарифларининг коэффициентлари қўлланилганидан.

Ушбу модда учинчи қисмининг олтинчи — саккизинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолатларни ҳисобга олувчи суғурта тарифларининг коэффициентлари мазкур ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлик тўғрисида суғурталовчига маълум бўлган даврдан кейинги давр учун мажбурий суғурта шартномасини тузишда суғурталовчи томонидан қўлланилади.

Мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта мукофотининг энг кўп миқдори транспорт воситасидан энг кўп фойдаланиладиган ҳудуд инобатга олинган ҳолда тузатиш киритилган тегишли суғурта тарифи базавий ставкасининг уч бараваридан, ушбу модданинг учинчи қисмига мувофиқ белгиланган суғурта тарифларининг барча коэффициентлари қўлланилганда эса, беш бараваридан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Суғурта тарифларида чет давлатларда рўйхатдан ўтказилган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча фойдаланилаётган транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишда суғурталовчи томонидан қўлланиладиган базавий ставкалар ва коэффициентлар қўшимча равишда назарда тутилиши мумкин.

Суғурталовчилар ушбу Қонунга мувофиқ белгиланганидан фарқ қилувчи суғурта тарифларининг базавий ставкалари ва коэффициентларини қўллашга ҳақли эмас.

12-модда. Суғурта мукофоти

Суғурта қилдирувчи суғурталовчига суғурта мукофотини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлаши шарт. Суғурта мукофоти суғурта тарифлари базавий ставкалари ва коэффициентларининг кўпайтмаси сифатида ҳисоблаб чиқилади.

Транспорт воситасининг эгаси ўзгариши ёки транспорт воситасидан фойдаланиш белгиланган тартибда тақиқланиши ёхуд у бундан буёнги фойдаланиш учун яроқсиз ҳолатда эканлиги сабабли мажбурий суғурта шартномасининг амал қилиши муддатидан илгари тугатилган тақдирда, суғурта мукофотининг бир қисми тўланган суғурта товони суммасига ва мажбурий суғурта тўғрисидаги шартноманинг қолган амал қилиш муддати кунларига мутаносиб суммада суғурта қилдирувчига қайтарилади.

Мажбурий суғурта шартномасининг амал қилиши ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилганидан бошқа асосларга кўра муддатидан илгари тугатилганда, суғурталовчи суғурта мукофотининг қайтариладиган қисмидан мазкур мажбурий суғурта шартномаси бўйича ўзининг исботланадиган харажатлари суммасини суғурта мукофотининг 25 фоизидан ошмаган миқдорда чегириб қолиши мумкин.

Пул маблағлари суғурталовчининг банк ҳисобварағига келиб тушган сана суғурта мукофоти тўланган сана ҳисобланади.

13-модда. Суғурта мукофотлари бўйича сийловлар

Суғурта мукофотлари бўйича сийловлар олиш ҳуқуқига қуйидагилар эга:

1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ёки партизанлари ёхуд уларга тенглаштирилган шахслар;

1941 — 1945 йиллардаги уруш даври меҳнат фронти фахрийлари;

концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқунлари;

ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажаришда яраланганлиги, контузия бўлганлиги ёки шикастланганлиги оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчининг ота-онасидан бири ёки бошқа турмуш қурмаган беваси;

Чернобиль АЭСдаги авария оқибатида жабрланганлар;

пензионерлар;

ногиронлар.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган суғурта қилдирувчиларга суғурта мукофоти тўлашда суғурта мукофоти суммасининг 50 фоизи миқдорида сийлов берилади. Суғурта мукофоти суммасининг қолган 50 фоизи Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармаси томонидан (бундан буён матнда Тўловларни кафолатлаш

жамғармаси деб юритилади) суғурталовчининг суғурта мукофотида доир сийловни компенсация қилиш масаласи юзасидан ёзма равишда мурожаати олинган кундан эътиборан ўн беш календарь кун ичида қопланади.

Суғурта мукофоти бўйича сийлов ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган суғурта қилдирувчининг ўзига тегишли битта транспорт воситаси бўйича мажбурий суғурта қилинганда берилади. Ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ берилган суғурта мукофоти бўйича сийлов тўғрисида суғурта полисига тегишли белги қўйилади.

14-модда. Мажбурий суғуртани амалга оширувчи суғурталовчиларга қўйиладиган талаблар

Мажбурий суғуртани амалга ошириш учун суғурталовчи ўзига махсус ваколатли давлат органи томонидан берилган мажбурий суғурта бўйича суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиши керак.

Мажбурий суғуртани амалга оширувчи суғурталовчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида мажбурий суғурта шартномаси тузишга, жабрланувчининг (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий ворисининг) суғурта тўловлари ҳақидаги талабларини кўриб чиқишга ҳамда суғурта тўловларини амалга оширишга ваколатли ўз вакилларига эга бўлиши керак.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари эгаллаб турган биноларда ва ҳудудларда мажбурий суғурта шартномалари тузишга ҳамда мажбурий суғурта бўйича муайян суғурталовчининг хизматлари рекламасини жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

15-модда. Суғурта полиси

Мажбурий суғурта транспорт воситасининг эгаси ва суғурталовчи ўртасида мажбурий суғурта шартномасини тузиш орқали амалга оширилади.

Мажбурий суғурта шартномаси тузилганда суғурталовчи суғурта қилдирувчи ҳисоблаб чиқарилган суғурта мукофотини тўлаганидан кейин унга мажбурий суғурта амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлган суғурта полисини, шунингдек махсус давлат белгисини тақдим этади.

Суғурта полиси тегишли бланкада расмийлаштирилади. Суғурта полиси бланкаси қатъий ҳисобда турадиган ҳужжат бўлиб, ҳисобга олиш серияси, рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлиши керак.

Суғурта полиси йўқолган тақдирда суғурталовчи суғурта қилдирувчининг аризасига биноан унинг дубликатини беради. Бунда суғурта қилдирувчи суғурталовчининг дубликатни тайёрлаш учун қилган харажатлари ҳақини тўланган суғурта мукофотининг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда тўлаши керак.

Суғурта полисида қуйидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак:

суғурталовчи тўғрисидаги;

суғурта қилдирувчининг, ҳайдовчининг номи (фамилияси, исми, отасининг исми) ва жойлашган ери (почта манзили) ёки яшаш жойи тўғрисидаги;

суғурталовчининг, унинг барча вакилларининг номи, жойлашган ери (почта манзили), улар билан алоқа боғлаш воситалари ҳақидаги ҳамда вакилларнинг иш вақти тўғрисидаги;

суғурта қилдирувчининг фаолияти тури тўғрисидаги; мажбурий суғурта шартномасининг амал қилиш даври тўғрисидаги;

суғурта мукофоти тўғрисидаги;

суғурта пули тўғрисидаги;

эгасининг фуқаролик жавобгарлиги суғурта қилинаётган транспорт воситаси тўғрисидаги;

мажбурий суғурта шартномасининг бошқа муҳим шартлари тўғрисидаги.

Суғурта полиси бланкасининг намунаси ва уни тайёрлаш тартиби, шунингдек махсус давлат белгисининг шакли ҳамда уни транспорт воситасига жойлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

16-модда. Транспорт воситасидан чекланган тарзда фойдаланишда мажбурий суғурта қилиш

Транспорт воситасининг эгаси ўзига тегишли транспорт воситасидан чекланган тарзда фойдаланилишини ҳисобга олган ҳолда мажбурий суғурта шартномасини тузишга ҳақлидир.

Транспорт воситасининг фақат суғурта қилдирувчи кўрсатган ҳайдовчилар томонидан бошқарилиши ва (ёки) транспорт воситасидан мавсумий (календарь йилда мажбурий суғурта шартномасида белгиланган олти ёки ундан кўпроқ ой мобайнида) фойдаланилиши транспорт воситасидан чекланган тарзда фойдаланиш деб эътироф этилади. Транспорт воситасининг эгаси суғурталовчига мажбурий суғурта шартномасини тузишда мазкур ҳолатлар ҳақида ёзма равишда билдиришга

ҳақли. Бу ҳолда суғурта мукофоти транспорт воситасини бошқаришга рухсат этилган ҳайдовчиларнинг ҳайдовчилик стажини, ёшини ҳамда шахсига оид бошқа маълумотларни ва (ёки) транспорт воситасидан фойдаланиладиган муайян даврни ҳисобга олувчи суғурта тарифларининг коэффициентлари қўлланилган ҳолда белгиланади.

Транспорт воситасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳисобга олинган ҳолда мажбурий суғурта амалга ошириладиганда суғурта полисида транспорт воситасини бошқаришга, шу жумладан тегишли ишончнома асосида бошқаришга рухсат этилган ҳайдовчилар ва (ёки) мажбурий суғурта шартномасида назарда тутилган транспорт воситасидан фойдаланиладиган аниқ давр кўрсатилади.

Транспорт воситасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳисобга олинмаган мажбурий суғурта шартномасининг амал қилиши даврида суғурта қилдирувчи транспорт воситасини бошқаришга рухсат этилганлар сифатида суғурта полисида кўрсатилмаган ҳайдовчиларга транспорт воситасини бошқариш топширилганлиги ва (ёки) ундан фойдаланиш даври мажбурий суғурта шартномасида кўрсатилган аниқ даврдан кўпайтирилганлиги ҳақида суғурталовчига дарҳол ёзма шаклда хабар қилиши шарт. Бундай хабар олинганда суғурталовчи суғурта полисига тегишли ўзгартишлар киритади. Бунда суғурталовчи суғурта полисига хавфнинг ошишига мутаносиб равишда тегишли ўзгартишлар киритилган кунда амалда бўлган суғурта тарифлари бўйича қўшимча суғурта мукофоти тўланишини талаб қилишга ҳақли.

17-модда. Мажбурий суғурта бўйича суғурта захира-сини шакллантириш

Агар мажбурий суғуртани амалга оширишда мазкур суғурта тури бўйича суғурталовчининг даромадлари ва харажатлари орасидаги фарқ бир йилда кўрсатилган даромадларнинг 5 фоизидан ортиқ бўлса, ортиқ сумма суғурталовчи томонидан кейинги йилларда суғурта тўловларини амалга ошириш харажатларини қоплаш учун суғурта захирасини шакллантиришга йўналтирилади.

18-модда. Мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталовчининг алмаштирилиши

Мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталовчининг алмаштирилиши мазкур суғурталовчи бошқа суғурталовчи билан тузган шартнома асосида, ушбу модданинг талабларига риоя этилган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Суғурталовчининг алмаштирилишига махсус ваколатли давлат органининг ва суғурталовчининг қайси суғурта қилдирувчилар олдидаги мажбуриятлари мажбурий суғурта шартномаси бўйича бошқа суғурталовчига ўтказиладиган бўлса, шу суғурта қилдирувчиларнинг розилиги билан йўл қўйилади. Бундан ташқари, мажбуриятлар бошқа суғурталовчига ўтказиладиган мажбурий суғурта шартномалари бўйича суғурта тўловларини амалга оширишни талаб қилаётган жабрланувчиларнинг (уларнинг меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворисларининг) розилигини олиш зарур бўлади.

Мажбурий суғурта шартномалари бўйича мажбуриятларни қабул қилиб олаётган суғурталовчининг суғурта қилдирувчилар ва жабрланувчилар (уларнинг меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворислари) суғурталовчини алмаштиришга рози эканликлари тўғрисидаги сўрови ёзма шаклда амалга оширилади. Сўровда суғурта қилдирувчилар ва жабрланувчиларнинг (уларнинг меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворисларининг) суғурталовчининг алмаштирилишини рад этиш ҳуқуқи тушунтириб берилиши керак.

Суғурта қилдирувчилар ва жабрланувчилар (уларнинг меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворислари) суғурталовчининг алмаштирилишига розилик беришга ёки рад этишга ҳақлидир. Суғурта қилдирувчилар ва жабрланувчилар (уларнинг меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворислари) мажбурий суғурта шартномаси бўйича мажбуриятларни топширувчи ёки қабул қилиб олувчи суғурталовчини ўз қарори тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилади.

Махсус ваколатли давлат органи, агар:

мажбурий суғурта шартномалари бўйича мажбуриятларни қабул қилиб олувчи суғурталовчи мажбурий суғурта бўйича суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлмаса;

суғурталовчининг мажбурий суғурта шартномаси бўйича ўзига ўтказиладиган мажбуриятларни қабул қилиб олиши қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган, бажарилиши мажбурий бўлган тўловга қобилиятлилиқ нормативларининг бузилишига сабаб бўлса;

суғурталовчининг алмаштирилиши тартиби ва шартлари қонун ҳужжатлари талабларига номувофиқ бўлса, суғурталовчининг алмаштирилишини рад этишга ҳақли.

3-БОБ. СУГУРТА ХОДИСАЛАРИ БЎЙИЧА ЗАРАРНИНГ ЎРНИНИ ҚОПЛАШ

19-модда. Суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурта қилдирувчилар ва жабрланувчиларнинг (уларнинг меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворисларининг) ҳаракатлари

Жабрланувчиларга зарар етказилишига олиб келган йўл-транспорт ҳодисаси иштирокчиси бўлган суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахс) мазкур ҳодисанинг бошқа иштирокчилари талабига кўра уларга ушбу транспорт воситаси эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги суғурталанган мажбурий суғурта шартномаси тўғрисидаги маълумотларни хабар қилиши шарт.

Суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахс) ёки унинг вакили суғурта ҳодисаси содир бўлганда:

жабрланувчига (унинг меросхўрларига ёки ҳуқуқий ворисларига) уч календарь кундан кечиктирмай суғурта полисининг нусхасини топшириши;

дарҳол, лекин мажбурий суғурта шартномасида назарда тутилган муддатдан кечиктирмай, содир бўлган ҳодиса ҳақида ёзма шаклда, суғурта полисининг нусхасини илова қилган ҳолда суғурталовчига ёки унинг вакилига ҳамда йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойдаги ва транспорт воситаси рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматига билдириши. Билдиришномада ҳодисанинг хусусияти, содир бўлган пайти, кўрилиши тахмин қилинган зарарнинг миқдори, йўл-транспорт ҳодисасига алоқадор барча шахсларнинг, шу жумладан тахмин қилинган даъвогарларнинг номлари ва манзилларига тааллуқли ахборот имкон қадар тўлиқ ҳажмда, шунингдек суғурта қилдирувчи ҳодиса ҳақида илк маротаба қай тарзда хабардор бўлганлиги ва суғурта қилдирувчининг нега ҳодисани талабнома билдиришга сабаб бўлиши мумкин деб ҳисоблашига оид тафсилотлар мажбурий тартибда кўрсатилиши керак;

суғурталовчига суғурта ҳодисаси муносабати билан унга нисбатан қўйилаётган барча талаблар ёки унга қарши бошланган суд муҳокамаси тўғрисида дарҳол хабар қилиши, зарар етказилиши ҳолатлари тўғрисидаги барча маълумотларни ва ваколатли органлардан олинган, суғурта ҳодисасининг сабаблари ҳамда оқибатларини, зарарнинг хусусияти ва миқдорини белгилаш учун зарур бўлган ҳужжатларни суғурталовчига тақдим этиши;

зарарнинг олдини олиш ва (ёки) камайтириш юзасидан мумкин бўлган барча чораларни кўриши керак.

Агар жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси) суғурта тўловига бўлган ўз ҳуқуқидан фойдаланиш ниятида бўлса, у суғурталовчига ўз ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини суғурта пули доирасида қоплаш тўғрисидаги талаб билан ёзма ариза юбориши шарт.

Жабрланувчининг ёки унинг меросхўрларининг (агар жабрланувчининг аҳволи мустақил равишда мурожаат қилишга имкон бермаса, қариндошлари ёки бошқа вакилларининг) ёхуд унинг ҳуқуқий ворисларининг суғурта тўлови тўғрисидаги талаби кўрсатилган аризаси қўйидагиларнинг асли ёки нусхалари илова қилинган ҳолда суғурталовчига ёки унинг вакилига юборилади:

суғурта полиси (агар бўлса);

зарар етказилганлиги фактини ва зарар миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар (йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги ҳулоса ёки қарор, тиббиёт муассасаси маълумотномаси ёхуд ҳаёт ёки соғлиққа зарар етказилганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, ўлим ҳақидаги далолатнома ёхуд гувоҳнома);

мол-мулкка зарар етказилганлиги фактини ва зарар миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар (тижорат далолатномалари, юк хатлари, асосий воситалар дафтаридан кўнирмалар, тўлов ҳужжатлари, хизматлар кўрсатиш ва ишлар бажариш учун тузилган шартномалар, мол-мулкни мустақил баҳолаш далолатномалари ва бошқа шу кабилар);

жабрланувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат;

мерос ҳуқуқини ёки ҳуқуқий ворислиқни олганликларини, шунингдек меросхўрларнинг шахсини ёки ҳуқуқий ворисларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (агар суғурта товони жабрланувчининг меросхўрларига ёхуд ҳуқуқий ворисларига тўланиши керак бўлса).

Агар фойдаланиладиганда жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига зарар етказган транспорт воситаси эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги суғурталанмаган ёки эгаси номаълум бўлса, жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси) ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда компенсация тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ушбу Қонуннинг жабрланувчиларга тааллуқли қоидалари боқувчисининг вафоти натижасида зарар кўрган шахсларга,

жабрланувчиларнинг меросхўрларига ҳамда фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шахслар томонидан транспорт воситаларидан фойдаланишда жабрланувчига етказилган зарарнинг ўрни қопланиши ҳуқуқига эга бўлган ўзга шахсларга нисбатан ҳам қўлланилади.

20-модда. Суғурта ҳодисасининг тўғридан-тўғри ҳал этилиши

Суғурта ҳодисасини тўғридан-тўғри ҳал этишда суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахс) бўлган жабрланувчи ўзи билан мажбурий суғурта шартномасини тузган суғурталовчига ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрни қопланиши учун ёзма шаклда мурожаат қилишга ҳақли.

Суғурта ҳодисасини тўғридан-тўғри ҳал этиш қўлланилганда айбдор тарафнинг суғурталовчиси жабрланувчининг суғурталовчисига жабрланувчига суғурта товонини тўлаш билан боғлиқ барча харажатларни қоплайди.

21-модда. Жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган ҳамда мажбурий суғурта шартномаси бўйича ўрни қопланадиган зарарнинг миқдорини аниқлаш

Жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган ҳамда мажбурий суғурта шартномаси бўйича ўрни қопланадиган зарарнинг миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда аниқланади. Жабрланувчи (унинг меросхўри) ўз ташаббуси билан ёки суғурталовчининг сўровига биноан суғурталовчига ушбу Қонун 19-моддасининг тўртинчи қисмида кўрсатилган барча ҳужжатларни тақдим этиши, шунингдек унга ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ҳажми ҳамда хусусиятини тасдиқловчи барча маълум бўлган маълумотларни ёзма шаклда хабар қилиши шарт.

Мол-мулкка зарар етказилганда жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси) шикастланган мол-мулкни ёки унинг қолдиқларини зарар етказилиши ҳолатларини аниқлаш ва ўрни қопланиши лозим бўлган зарарнинг миқдорини белгилаш мақсадида суғурталовчига кўздан кечириш ва мустақил экспертизани (баҳолашни) ташкил этиш учун ўз ташаббуси билан ёки суғурталовчининг сўровига биноан тақдим қилиши шарт.

Агар жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси) томонидан тақдим этилган шикастланган мол-мулкни ёки унинг қолдиқларини кўздан кечириш ва мустақил экспертиза қилиш (баҳолаш) суғурта ҳодисаси мавжудлигини ҳамда мажбурий суғурта шартномаси бўйича ўрни қопланиши лозим бўлган зарарнинг миқдорини тўғри аниқлаш имконини бермаса, мазкур ҳолатларни аниқлаш учун суғурталовчи суғурта қилдирувчининг фойдаланилаётганда жабрланувчига зарар етказилган шикастланган транспорт воситасини кўздан кечиришга ва (ёки) ушбу транспорт воситасига ёки унинг қолдиқларига нисбатан такрорий мустақил экспертизани (баҳолашни) ташкил этишга ҳақлидир. Суғурта қилдирувчи суғурталовчининг талабига кўра ушбу транспорт воситасини ёки унинг қолдиқларини мажбурий суғурта шартномасида назарда тутилган тартибда тақдим этиши шарт.

Жабрланувчи (унинг меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворислари) ёзма равишда мурожаат этган кундан эътиборан беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда, агар улар ўртасида ёзма шаклда бошқа муддат келишилмаган бўлса, суғурталовчи шикастланган мол-мулкни ёки унинг қолдиқларини кўздан кечириши ва унинг мустақил экспертизасини (баҳолашини) ташкил этиши шарт.

Агар шикастланишларнинг хусусияти ёки шикастланган мол-мулкнинг ёхуд унинг қолдиқларининг ўзига хос хусусиятлари мол-мулкни суғурталовчи ва (ёки) эксперт жойлашган ерда кўздан кечириш ҳамда мустақил экспертизани (баҳолашни) ташкил этиш учун тақдим этилишини истисно этса (транспорт воситасининг йўл ҳаракатида иштирок этишини истисно этадиган тарзда шикастланганлиги ва бошқа ҳолларда), кўздан кечириш ва мустақил экспертиза (баҳолаш) шикастланган мол-мулк ёки унинг қолдиқлари турган ерда ушбу модданинг тўртинчи қисмида белгиланган муддатда ўтказилади.

Агар суғурталовчи шикастланган мол-мулкни ёки унинг қолдиқларини ушбу модданинг тўртинчи қисмида белгиланган муддатда кўздан кечирмаган ва (ёки) мустақил экспертизасини (баҳолашини) ташкил этмаган бўлса, жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси) шикастланган мол-мулкни ёки унинг қолдиқларини суғурталовчига кўздан кечириш учун тақдим этмаган ҳолда шундай экспертиза (баҳолаш) ўтказиш учун мустақил тарзда ёзма шаклда мурожаат қилишга ҳақли. Бу ҳолда суғурталовчи мустақил экспертиза

(баҳолаш) натижалари юзасидан низолашишга ҳақли эмас.

Суғурта тўлови амалга оширилишига асос бўлган мустақил экспертиза (баҳолаш) қиймати мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталовчи томонидан ўрни қопланиши лозим бўлган зарарлар таркибига киритилади.

Агар шикастланган мол-мулкни ёхуд унинг қолдиқларини кўздан кечириш ва мустақил экспертиза қилишга (баҳолашга) қадар ушбу модда талабларига мувофиқ амалга оширилган шу мол-мулкни таъмирлаш ёки унинг қолдиқларини утилизация қилиш суғурта ҳодисасининг мавжудлигини ва мажбурий суғурта шартномаси бўйича ўрни қопланиши лозим бўлган зарарларнинг миқдорини тўғри аниқлаш имконини бермаса, суғурталовчи жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) суғурта тўловини ёки унинг бир қисmini тўлашни рад этишга ҳақли.

22-модда. Суғурта товони миқдори

Жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганда суғурта товонининг миқдори суғурта пулининг 65 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Бир нечта жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганда ҳар бир жабрланувчига (унинг меросхўрига) тегадиган суғурта товони миқдори ҳар бир жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг даражасига мутаносиб равишда, ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган сумма доирасида аниқланади.

Жабрланувчининг мол-мулкига зарар етказилганда суғурта товонининг миқдори суғурта пулининг 35 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Бир нечта жабрланувчининг мол-мулкига зарар етказилганда ҳар бир жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) тегадиган суғурта товони миқдори ҳар бир жабрланувчининг мол-мулкига етказилган зарарнинг даражасига мутаносиб равишда, ушбу модданинг учинчи қисмида белгиланган сумма доирасида аниқланади.

Суғурталовчи суғурта қилдирувчининг (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахснинг) ташаббуси билан ёки суғурталовчининг талабига биноан зарарни бартараф қилиш ва (ёки) камайтириш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилиши муносабати билан юзага келган суғурта қилдирувчининг (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахснинг) барча билдирилган ва исботланадиган харажатларини, ҳатто бу чоралар муваффақиятсиз бўлган ҳолларда ҳам қоплайди.

Зарарни бартараф қилиш ва (ёки) камайтириш бўйича харажатлар суғурта товони миқдоридан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Суғурта товони суд харажатларини, шунингдек жарималар ва бошқа шу каби тўловларни қопламайди.

Жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган суғурта пули доирасида қопланади.

23-модда. Суғурта товонини тўлаш

Суғурта товони етказилган зарар миқдорида, лекин суғурта пулидан ошмаган миқдорда суғурталовчи томонидан бевожита жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) тўланади.

Агар суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахс) жабрланувчига етказилган зарарнинг ўрнини суғурталовчининг ёзма розилиги билан ўз ҳисобидан қопласа, суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахс) етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тартибида ўзи амалга оширган тўловларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этганидан кейин суғурталовчи суғурта қилдирувчига суғурта тўловини тўлайди.

Агар суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахс) транспорт воситасидан фойдаланиш натижасида етказилган зарарнинг ўрнини жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) суғурталовчининг ёзма розилигисиз ҳар қандай усулда қопласа ёки қоплашни ваъда қилса, суғурта қилдирувчининг (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахснинг) бу харажатлари суғурталовчи учун мажбуриятларни келтириб чиқармайди.

Жабрланувчи (унинг меросхўри) ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳисобига бошқа манбалардан олган тўловлар суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш бўйича мажбуриятини камайтирмайди.

Суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий

суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахс) суғурта ҳодисаси содир бўлганда зарарни бартараф қилиш ва (ёки) камайтириш чораларини кўрганлиги ёхуд жабрланувчи кечиктириб бўлмайдиган ёрдам кўрсатганлиги суғурталовчи ушбу Қонунда ўзи учун белгиланган мажбуриятларни бажаришни рад этишига асос бўлолмайди.

Агар мажбурий суғурта объекти бир вақтнинг ўзида ихтиёрий суғурта бўйича ҳам суғурталанган бўлса, ихтиёрий суғурта бўйича суғурта товони мажбурий суғурта бўйича суғурта товонини тўлаш шартларидан қатъи назар тўланади.

Агар суғурта ҳодисаси содир бўлиши натижасида жабрланувчи ҳалок бўлган ёки унинг соғлиғига зарар етказилган бўлса, суғурта товони ушбу Қонуннинг 22-моддаси талаблари инобатга олинмаган ҳолда, шундай ҳодиса учун тўловни назарда тутувчи барча турдаги суғурта шартномаларига мувофиқ тўланади.

Агар битта суғурта ҳодисаси натижасида икки ёки ундан ортиқ суғурта қилдирувчининг (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахсларнинг) фуқаролик жавобгарлиги юзага келган бўлса, суғурталовчилар жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) ҳар бир суғурта қилдирувчининг (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахснинг) айби даражасига мувофиқ суғурта товонини тўлайди.

Агар суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурта товони тўловлари бир нечта жабрланувчига (уларнинг меросхўрларига ёки ҳуқуқий ворисларига) тўланиши керак бўлса ва уларнинг суғурталовчига билдирилган талаблари суммаси суғурта товони миқдоридан ортиқ бўлса, суғурта товони ҳар бир жабрланувчининг барча жабрланувчилар (уларнинг меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворислари) талабларининг умумий суммасидаги улушига мутаносиб равишда тўланади.

Ўрни қопланиши лозим бўлган зарарнинг миқдори тўлиқ аниқлангунига қадар суғурталовчи жабрланувчининг (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий ворисининг) аризасига кўра суғурта тўловининг мазкур зарарнинг амалда аниқланган қисмига мувофиқ бўлган қисмини тўлашга ҳақли.

Жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси) билан келишувга кўра ва мажбурий суғурта шартномасида назарда тутилган шартлар асосида суғурталовчи шикастланган мол-мулкнинг суғурта товони ҳисобидан таъмирланишини ва (ёки) унинг қолдиқлари утилизация қилинишини ташкил қилишга ва ҳақини тўлашга ҳақли.

Суғурта товонини тўлаш суғурталовчи суғурта товонини тўлаш тўғрисида қарор қабул қилган кундан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмай амалга оширилади.

Суғурталовчининг суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги ёки уни тўлаш ҳақидаги қарори суғурта қилдирувчига у суғурта товони тўлаш тўғрисида ёзма мурожаат этганидан кейин ўн беш кундан кечиктирмай хабар қилиниши керак ва тоvon тўлаш рад этилганда, қарорда рад этишнинг асослангилган сабаблари кўрсатилиши лозим.

Агар суғурта товонини тўлаш ушбу Қонунда белгиланган муддатда амалга оширилмаган бўлса, суғурталовчи жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) суғурта товонига қўшимча равишда, суғурта товонини тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган кундаги банк фоизининг ҳисоб ставкасидан келиб чиққан ҳолда пеня тўлайди.

Агар мажбурий суғурта шартномаси амалда бўлган даврда суғурталовчи жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) суғурта товони тўласа, суғурта қилдирувчи суғурталовчидан суғурта товони тўланганлиги тўғрисидаги хабарнома олинган кундан эътиборан икки ҳафталик муддатда тўланган суғурта товони суммасига ва мажбурий суғурта шартномаси амал қилишининг қолган муддатига мутаносиб равишда қўшимча суғурта мукофотини тўлайди.

Суғурталовчи мажбурий суғурта шартномасининг амал қилиши даврида вужудга келган зарарларнинг ўрнини, агар жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси) зарарларни келтириб чиқарган суғурта ҳодисаси ҳақида зарарларнинг ўрнини мажбурий суғурта шартномасининг амал қилиш муддати тугаганидан кейин уч йил ичида ундириш тўғрисида даъво аризаси берган бўлса, қоплайди.

24-модда. Суғурталовчининг регресс тартибида талаб қилиш ҳуқуқи

Суғурталовчи зарар етказган шахсга (суғурта қилдирувчига, фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахсга) ўзи тўлаган суғурта тўлови миқдорида қуйидаги ҳолларда регресс тартибида талаб қилиш ҳуқуқига эга, агар:

мазкур шахснинг қасди оқибатида жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига зарар етказилган бўлса;

зарар транспорт воситаси мазкур шахс томонидан мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остида бошқарилаётганда етказилган бўлса;

мазкур шахс ўзи фойдаланаётганда зарар етказган транс-

порт воситасини бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган бўлса;

мазкур шахс йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойдан яширинган бўлса;

мазкур шахс транспорт воситасини бошқаришга рухсат этилган шахс сифатида мажбурий суғурта шартномасига қиритилмаган бўлса (транспорт воситасидан фақат мажбурий суғурта шартномасида кўрсатилган ҳайдовчилар фойдаланиши шarti билан мажбурий суғурта шартномаси тузилганда);

суғурта ҳодисаси мазкур шахс транспорт воситасидан мажбурий суғурта шартномасида назарда тутилмаган аниқ даврда фойдаланаётганда содир бўлган бўлса (транспорт воситасидан мажбурий суғурта шартномасида назарда тутилган даврда фойдаланиш шarti билан мажбурий суғурта шартномаси тузилганда). Бунда суғурталовчи мазкур шахсдан суғурта ҳодисасини кўриб чиқишда қилинган харажатларни қоплашни ҳам талаб қилишга ҳақлидир.

4-БОБ. КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛОВЛАРИ

25-модда. Компенсация тўловларини олиш ҳуқуқи

Жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳисобига компенсация тўлови мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта тўлови қуйидагилар оқибатида тўланиши мумкин бўлмаган ҳолларда амалга оширилади:

суғурталовчига нисбатан банкротлик тартиб-таомили қўлланилганлиги;

жабрланувчига етказилган зарар учун жавобгар шахснинг номаълумлиги;

фойдаланилаётганда зарар етказган транспорт воситасининг эгаси ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш бўйича мажбуриятини бажармаганлиги.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган ёки жорий календарь йилда яқунланаётган ҳар қандай кетма-кетликдаги ўн икки ойлик давр ичида жами бир юз саксон уч кун ва ундан ортиқ муддат Ўзбекистон Республикасида турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар компенсация тўловларини олиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча турган чет давлатлар фуқаролари компенсация тўловларини олиш ҳуқуқига, агар шу чет давлатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ шундай ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси фуқароларига берилган бўлса, эгадир.

Компенсация тўловларини амалга ошириш тўғрисидаги талаб жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига зарар етказилган кундан эътиборан уч йил ичида билдирилиши мумкин.

26-модда. Компенсация тўловларини амалга ошириш

Суғурталовчига нисбатан банкротлик тартиб-таомили қўлланилганлиги оқибатида суғурталовчи томонидан суғурта товонини тўлаш имкони бўлмаган тақдирда суғурталовчи суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги тўғрисидаги далолатномани ва суғурталовчига нисбатан банкротлик тартиб-таомили қўлланилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда Тўловларни кафолатлаш жамғармасига жабрланувчиларга (уларнинг меросхўрларига ёки ҳуқуқий ворисларига) компенсация тўловларини амалга ошириш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилади.

Фойдаланилаётганда жабрланувчига зарар етказилган транспорт воситаси эгасининг номаълумлиги ёки фуқаролик жавобгарлиги суғурталанмаганлиги сабабли суғурта товонини тўлаш имкони бўлмаган тақдирда жабрланувчи ёки унинг меросхўрлари (агар жабрланувчининг аҳволи мустақил равишда мурожаат этиш имконини бермаса, қариндошлари ёки бошқа вакиллари) ёхуд ҳуқуқий ворислари қуйидаги ҳужжатларнинг аслини ёки нусхаларини илова қилган ҳолда Тўловларни кафолатлаш жамғармасига компенсация тўловларини амалга ошириш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат этади:

суғурта полиси (агар бўлса);

етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги суд қарори, агар иш суд томонидан кўрилган бўлса;

зарар етказилганлиги фактини ва зарар миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар (йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги ҳулоса ёки қарор, тиббиёт муассасаларидан олинган маълумотнома ёхуд ҳаётга ёки соғлиққа зарар етказилганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, ўлим ҳақидаги далолатнома ёхуд гувоҳнома);

мол-мулкка зарар етказилганлиги фактини ва зарар миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар (тижорат далолатномалари, юк хатлари, асосий воситалар дафтаридан кўчирмалар, тўлов ҳужжатлари, шартномалар, мол-мулкни мустақил баҳолаш далолатномалари ва бошқа шу кабилар);

жабрланувчининг шахсини ёки унинг давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

мерос ҳуқуқини ёки ҳуқуқий ворисликни олганликларини, шунингдек меросхўрларнинг шахсини ёки ҳуқуқий ворисларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳуж-

жатлар (агар суғурта товони жабрланувчиларнинг меросхўрларига ёки ҳуқуқий ворисларига тўланиши лозим бўлса).

Суғурталовчи компенсация тўловини амалга ошириш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат этган тақдирда, Тўловларни кафолатлаш жамғармаси тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончилигини ҳамда зарар ва суғурта товонининг миқдори тўғри аниқланганлигини ўрганиб чиқишга, шу жумладан суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларини шартнома асосида жалб этиш орқали ўрганиб чиқишга ҳақлидир.

Жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси) компенсация тўловини амалга ошириш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат этган тақдирда, Тўловларни кафолатлаш жамғармаси зарар ва суғурта товони миқдорини аниқлаш учун суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларини шартнома асосида жалб этиши мумкин.

Компенсация тўловларини амалга ошириш ёки мазкур тўловларни тўлашни асослантирилган тарзда рад этиш тўғрисидаги қарор Тўловларни кафолатлаш жамғармаси томонидан суғурталовчи ёки жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси) илтимоснома билан мурожаат этган кундан эътиборан бир ойлик муддат ичида қабул қилинади.

Компенсация тўловлари уларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир ҳафталик муддат ичида бевосита жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) Тўловларни кафолатлаш жамғармаси томонидан тўланади.

Агар компенсация тўловлари ушбу моддада белгиланган муддатда тўланмаган бўлса, Тўловларни кафолатлаш жамғармаси жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) уларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган кунда амалда бўлган банк фоизининг ҳисоб ставкасидан келиб чиққан ҳолда пеня тўлайди.

Ушбу Қонун 21-моддаси қоидаларининг жабрланувчининг мол-мулкига етказилган зарар миқдорини аниқлаш тартибига доир қисми Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг ёки шартнома асосида ушбу мақсадда жалб қилинган суғурта бозори профессионал иштирокчисининг ҳаракатларига нисбатан татбиқ этилади.

Агар шикастланган мол-мулкни ушбу Қонун талабларига мувофиқ кўздан кечириш ва мустақил экспертиза қилишни (баҳолашни) ташкил қилишга қадар шикастланган мол-мулк таъмирланганлиги ёки унинг қолдиқлари утилизация қилинганлиги суғурта ҳодисаси мавжудлигини ва ўрни қопланиши лозим бўлган зарарларнинг миқдорини аниқ белгилаш имконини бермаса, Тўловларни кафолатлаш жамғармаси жабрланувчига компенсация тўловини ёки унинг бир қисmini тўлашни рад этишга ҳақли.

Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг компенсация тўловларини амалга оширишни рад этиши устидан суғурталовчи ёки жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси) даъво аризаси бериши орқали суд тартибида низолашилиши мумкин.

27-модда. Компенсация тўловларининг миқдори

Компенсация тўловларининг миқдори ушбу Қонун 22-моддасининг талабларига риоя этилган ҳолда аниқланади.

Компенсация тўловлари суд ҳаражатларини, шунингдек жарималар ва бошқа шу каби тўловларни қопламайди.

Компенсация тўловлари зарарни бартараф қилиш ва (ёки) камайтириш юзасидан жабрланувчининг (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий ворисининг) ташаббуси билан кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилганлиги муносабати билан вужудга келган, унинг барча билдирилган ва исботланадиган ҳаражатларини ҳатто бу чоралар муваффақиятли бўлмаган ҳолларда ҳам қоплайди.

Зарарни бартараф қилиш ва (ёки) камайтириш юзасидан жабрланувчининг (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий ворисининг) ташаббусига кўра кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилганлиги муносабати билан вужудга келган унинг ҳаражатлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган суғурта товони миқдоридан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

28-модда. Компенсация тўловлари суммаларини ундириш

Ушбу Қонун 25-моддаси биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисига мувофиқ жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) тўланган компенсация тўлови суммаси жабрланувчига етказилган зарар учун жавобгар шахсдан Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг даъвосига кўра регресс тартибида ундириб олинади. Тўловларни кафолатлаш жамғармаси мазкур шахсдан компенсация тўлови ҳақидаги жабрланувчининг (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий ворисининг) талабини кўриб чиқиш учун қилинган ҳаражатлар қопланишини талаб қилишга ҳам ҳақли.

Жабрланувчининг (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий ворисининг) суғурталовчига нисбатан мажбурий суғурта бўйича суғурта тўловини талаб қилиш ҳуқуқи жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) ушбу Қонун 25-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисига мувофиқ тўланган

компенсация тўлови суммаси доирасида Тўловларни кафолатлаш жамғармасига ўтади.

5-БОБ. МАЖБУРИЙ СУГУРТА БЎЙИЧА ТЎЛОВЛАРНИ КАФОЛАТЛАШ

29-модда. Тўловларни кафолатлаш жамғармаси

Мажбурий суғурта бўйича тўловларни кафолатлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Тўловларни кафолатлаш жамғармаси ташкил этилади.

Тўловларни кафолатлаш жамғармаси юридик шахс бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган Низом асосида фаолият кўрсатади.

30-модда. Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг асосий вазифалари

Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

транспорт воситаларидан фойдаланилаётганда жабрланувчиларга етказилган зарарнинг ўрни уларга ушбу Қонун талабларига мувофиқ компенсация тўловларини амалга ошириш орқали кафолатли қопланишини таъминлаш;

ушбу Қонунга мувофиқ суғурта мукофотлари бўйича сийловлар олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг айрим тоифаларини қўллаб-қувватлаш тизимини мазкур сийловларни компенсация қилиш орқали молиявий жиҳатдан таъминлаш;

мажбурий суғурта тўғрисидаги маълумотларни, шу жумладан мажбурий суғурта шартномалари, суғурта ҳодисалари, суғурта қилдирувчилар ва жабрланувчилар шахсига оид маълумотларни ўз ичига олган ахборот маълумотлар базасини шакллантириш, шунингдек мазкур маълумотлар суғурталовчилар ва Тўловларни кафолатлаш жамғармаси ўртасида қонун ҳужжатларида белгиланган суғурта сири тўғрисидаги талаблар таъминланган ҳолда айирбошланишини ташкил этиш;

ушбу моддага мувофиқ Тўловларни кафолатлаш жамғармаси зиммасига юклатилган асосий вазифаларни амалга ошириш бўйича унинг фаолиятини тартибга солишчи қоидаларни махсус ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

31-модда. Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг мол-мулки ва молиявий фаолияти

Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг мол-мулки қуйидагилар ҳисобига шакллантирилади:

суғурталовчиларнинг бир йўла ва календарь муддатларда тўланадиган бадаллари;

Тўловларни кафолатлаш жамғармаси амалга оширган компенсация тўловлари ва жабрланувчиларнинг (уларнинг меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворисларининг) тегишли талабларини кўриб чиқиш бўйича ҳаражатлар доирасида жабрланувчиларга етказилган зарар учун жавобгар шахсларга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқини Тўловларни кафолатлаш жамғармаси томонидан реализация қилишдан тушган маблағлар;

Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг пул маблағларини жойлаштиришдан олинган даромадлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

Тўловларни кафолатлаш жамғармаси молиявий ёрдам кўрсатиши ва хайрия фаолияти билан шуғулланиши, шунингдек юридик шахсларнинг муассиси бўлиши ҳамда суғурта ташкилотларининг устав фондида иштирок этиши мумкин эмас.

Тўловларни кафолатлаш жамғармаси ўз мажбуриятлари юзасидан ўзининг барча мол-мулки билан жавоб беради.

Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг компенсация тўловларини молиялаштириш ва суғурта мукофотлари бўйича сийловларни компенсация қилиш учун мўлжалланган маблағлари Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг бошқа мол-мулкидан ажратиб қўйилади, улар бўйича алоҳида ҳисоб юритилади ва алоҳида банк ҳисобварағи очилади.

Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг компенсация тўловларини молиялаштириш ва суғурта мукофотлари бўйича сийловларни компенсация қилиш учун мўлжалланган маблағларининг вақтинча бўш турган қисmini инвестициялаш йўналишлари ҳамда ҳажмлари ҳар йили Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг кузатув кенгаши (бундан буён матнда кузатув кенгаши деб юритилади) томонидан тасдиқланади. Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг мазкур маблағларни инвестициялаш диверсификация, қайтарилиш, фойдалилик ва ликвидлик шартлари асосида амалга оширилади.

Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг ўз маблағларини давлат қимматли қоғозларига ва бошқа активларга жойлаштиришдан олинган даромадлари солиқ солиш объекти бўлмайди.

Махсус ваколатли давлат органи Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг компенсация тўловларини молиялаштириш ва суғурта мукофотлари бўйича сийловларни компенсация қилиш учун банк ҳисобварағидаги маблағларнинг энг кам суммасига нисбатан талаблар белгилаши мумкин.

Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг молиявий фаолияти ҳар йили аудиторлик текширувидан ўтказилиши шарт.

32-модда. Суғурталовчиларнинг Тўловларни кафолатлаш жамғармасига тўлайдиган мажбурий бадаллари

Бир йўла ва календарь муддатларда тўланадиган бадаллар суғурталовчиларнинг Тўловларни кафолатлаш жамғармасига тўлайдиган мажбурий бадалларидир.

Суғурталовчининг Тўловларни кафолатлаш жамғармасига бир йўла тўлайдиган бадални миқдори Тўловларни кафолатлаш жамғармасига бадални тўлаш кундаги, қонун ҳужжатларида белгиланган суғурталовчи устав фонди энг кам миқдорининг 0,1 фоизини ташкил этади.

Календарь муддатларда тўланадиган бадал суғурталовчилар томонидан Тўловларни кафолатлаш жамғармасига йилнинг ҳар чорагида ўтказиладиган пул маблағларидан иборат бўлади. Тўловларни кафолатлаш жамғармаси календарь муддатларда тўланадиган бадал миқдорини суғурталовчи тузган мажбурий суғурта шартномалари бўйича жами суғурта пулининг йилнинг ҳисобот чорагидаги ўсиши ҳажмидан келиб чиқиб, махсус ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда белгилайди.

Суғурталовчилар томонидан календарь муддатларда тўланадиган бадалларни тўлаш календарь муддатларда тўланган бадаллар суммаси мажбурий суғурта шартномалари бўйича жами суғурта пулидан келиб чиқиб, махсус ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда Тўловларни кафолатлаш жамғармаси томонидан белгиланган миқдорга етганда тўхтатилади. Мажбурий суғурта шартномалари бўйича жами суғурта пулининг миқдори ўзгарганда, суғурталовчи томонидан Тўловларни кафолатлаш жамғармасига календарь муддатларда тўланган бадаллар суммаси қайтадан ҳисоб-китоб қилиниши керак.

Календарь муддатларда тўланадиган бадал ставкаси ўзгарган тақдирда, Тўловларни кафолатлаш жамғармаси бу ҳақда суғурталовчиларга кейинги тўлов муддатида камиди ўттиз кун олдин хабар қилиши шарт.

Суғурталовчиларнинг Тўловларни кафолатлаш жамғармасига тўлайдиган мажбурий бадаллари уларнинг кўрсатилаётган хизматлар таннарига киритиладиган харажатларига тегишли бўлади.

33-модда. Кузатув кенгаши

Кузатув кенгаши Тўловларни кафолатлаш жамғармаси фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади.

Кузатув кенгашининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Кузатув кенгашига раис бошчилик қилади.

Кузатув кенгашининг мажлислари кенгаш раиси ёки кузатув кенгаши аъзоларининг камиди учдан бир қисми томонидан заруриятга кўра, бироқ йилнинг ҳар чорагида камиди бир марта чақирилади.

Кузатув кенгаши, агар мажлисда аъзоларининг камиди учдан икки қисми ҳозир бўлса, қарорлар қабул қилишга ваколатлидир. Кузатув кенгашининг қарори, агар уни мажлисда ҳозир бўлганларнинг камиди учдан икки қисми ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади.

Кузатув кенгаши:

суғурталовчиларнинг календарь муддатларда тўланадиган бадаллари ставкаларини, календарь муддатларда тўланадиган бадалларнинг энг юқори суммаларини, бадалларни ҳисоб-китоб қилиш тартибини ва тўлаш муддатларини тасдиқлайди;

махсус ваколатли давлат органи билан келишган ҳолда агент банкни танлайди;

Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг маблағларини давлат қимматли қоғозлари ва бошқа активларга жойлаштириш юзасидан қарор қабул қилади;

Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг маблағларидан фойдаланиш тартибини, шу жумладан жорий фаолиятга доир харажатлар сметасини тасдиқлайди;

Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг ижро этувчи органини шакллантиради ва унинг фаолияти устидан назоратни амалга оширади;

аудиторлик ташкилотини белгилайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

34-модда. Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг молиявий ва бошқа ҳисоботлари

Тўловларни кафолатлаш жамғармаси, махсус ваколатли давлат органига молиявий ҳамда бошқа ҳисоботларни шу орган белгиланган шаклда ва муддатларда тақдим этади.

Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳри бўлади.

Тўловларни кафолатлаш жамғармаси йиллик молиявий ҳисоботининг тўғрилиги аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланиши керак.

Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг йиллик молиявий ҳисоботи кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг йиллик молиявий ҳисоботи махсус ваколатли давлат органи томонидан белги-

ланган шаклда ва муддатларда матбуотда эълон қилинади.

35-модда. Мажбурий суғурта бўйича фаолиятни амалга оширувчи суғурталовчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

Суғурталовчилар:

Тўловларни кафолатлаш жамғармасидан унинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни сўраш ва олишга;

тузилган мажбурий суғурта шартномаларининг сони, мажбурий суғурта бўйича олинган суғурта мукофотларининг, мажбуриятларнинг ва тўланган суғурта товонларининг миқдорлари ҳақидаги ахборотни Тўловларни кафолатлаш жамғармасидан сўраш ҳамда олишга ҳақли.

Суғурталовчилар:

Тўловларни кафолатлаш жамғармаси билан ёзма битимлар тузишлари;

ушбу Қонунда белгиланган мажбурий бадалларни ўз вақтида ва тўла ҳажмда тўлашлари;

тузилган мажбурий суғурта шартномаларининг сони, мажбурий суғурта бўйича олинган суғурта мукофотларининг, мажбуриятларнинг ва тўланган суғурта товонларининг миқдорлари ҳақида Тўловларни кафолатлаш жамғармасига ахборот тақдим этишлари шарт.

36-модда. Ахборотни айирбошлаш

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, судлар, шунингдек тиббиёт, сейсмология, ветеринария, гидрометеорология ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар суғурталовчи томонидан суғурта товонининг миқдорини аниқлаш мақсадида суғурта ҳодисалари содир бўлишининг сабаблари ва ҳолатлари ҳамда етказилган зарар ҳақидаги масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва хулосаларни суғурталовчиларнинг сўровига кўра тақдим этишлари шарт.

Тўловларни кафолатлаш жамғармаси ва махсус ваколатли давлат органи Тўловларни кафолатлаш жамғармаси ўз ваколатларини амалга ошириши учун зарур бўлган ахборотни мунтазам айирбошлайди.

6-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

37-модда. Мажбурий суғурта бўйича мажбуриятнинг транспорт воситалари эгалари томонидан бажарилишини назорат қилиш

Ушбу Қонунда белгиланган мажбурий суғурта бўйича мажбуриятнинг транспорт воситалари эгалари томонидан бажарилишини назорат қилиш транспорт воситаларини рўйхатдан ўтказишда (қайта ўтказишда), уларнинг мажбурий техника кўригини ташкил этишда ва йўл ҳаракати қоидаларига, шунингдек йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилиши устидан назорат қилишга доир бошқа ваколатларни амалга оширишда давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан амалга оширилади. Транспорт воситаси ҳайдовчиси ўз ёнида суғурта полисини олиб юриши ва уни текшириш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ бунга ваколатли бўлган давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларига кўрсатиши шарт.

Чет давлатларда рўйхатдан ўтказилган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча фойдаланилаётган транспорт воситаларининг эгалари томонидан мажбурий суғурта бўйича ушбу Қонунда белгиланган мажбуриятларнинг бажарилиши устидан назоратни божхона органлари ва давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати амалга оширади.

38-модда. Низоларни ҳал этиш

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

39-модда. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

40-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

41-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгандан кейин кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И.КАРИМОВ.

Тошкент ш.,
2008 йил 21 апрель
ЎРҚ-155-сон.

«NORMA» наشريёти

тадбиркорлар, бухгалтерлар, аудиторлар, юристлар ва барча хоҳловчиларга Ўзбекистон Республикасининг ҳамма минтақалари-га етказиб бериш билан китобларни харид қилишни таклиф этади!

Харид қилиш учун бизнинг оммавий оферта-нинг – ушбу сонда чоп этилаётган таклифдан фойдаланинг.

ОММАВИЙ ОФЕРТА

вакили белгиланган шаклда унинг номига расмий-лаштирилган ишончнома топширади ва ўз паспорт-тини тақдим этади.

9. Шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун Тарафлар Фуқаролик кодекси, 1998 йил 29 августдаги 670-1-сон «Ўҳжалик юритувчи субъектлар фаолияти-нинг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»-ги Қонун ва Ўзбекистон Республикаси бошқа меъ-ёрий-ҳуқуқий ҳужжатларининг қоидаларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

10. Харидор Акцептда манзилни нотўғри кўрсатган тақдирда Ношир Харидор олдида Шартнома шартларини бажариш учун жавобгар бўлмайди.

11. Харидор мазкур Шартноманинг 5-бандида кўрсатилган ҳақ тўлаш шартларига риоя қилма-ган тақдирда Ношир Харидор билан келишмас-дан нашр қиймати ўзгартира олади.

12. Шартномани тузишдан кейин Тарафлар олдиндан кўра олмаган, оқилона чоралар билан олдини олишга қодир бўлмаган, фавқулодда тўсдаги воқеалар натижасида вужудга келган енгил бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатлари бошланиши оқиб-атида Тарафлар Шартнома шартларини бажармас-а ёки лозим даражада бажаролмай қолса, улар жавобгар бўлмайдилар.

13. Форс-мажор ҳолатлари бошланганлиги тўғри-сида Тарафлар бир-бирларини улар бошланган пайтдан бошлаб 7 (етти) кун мобайнида хабар-дор қилишлари керак.

14. Шартнома шартларини бажариш чоғида вужудга келиши мумкин бўлган барча низо-лар ва ихтилофлари Тарафлар музокаралар ва келишув таомиллари йўли билан ҳал қиладилар. Келишувга эришилмаганда низо ҳўжалик ёки ҳақамлик судининг кўришига (Тарафларнинг розилиги билан) топши-рилиши керак.

15. Мазкур оммавий офертада таъкидланмаган шартлар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳўж-жатларига мувофиқ белгиланади.

16. Ноширнинг ре-квизитлари:

«NORMA» МЧЖ

100011, Тошкент, Абай кўчаси, 4;

Тошкент ш. ЎзқДБ банкдаги

хисоб-китоб рақами

2020800030442322001,

МФО 00842, СТИР 205697778,

ХХТУТ 87100

Тел. (371) 244-89-17;

Факс: 244-44-29, 232-18-80.

Баҳодир ҚАЮМОВ,
«NORMA» МЧЖ директори.

